

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-
ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

“ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ” факультети

“ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ” кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИХА ИШИ

**МАВЗУ: Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Пўлат дархон маҳалласини
режалаштириш ва ободонлаштириш**

БАЖАРДИ:

401-ШҚ ва X гуруҳ

битирувчиси А.Толипов

РАҲБАР:

А.Р.Рахимов

САМАРҚАНД – 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I-БОБ.Режалаштирилаётган жойнинг табиий шарт-шароитлари қисми.....	10
I.1.Режалаштирилаётган маҳалла табиий шарт-шароитлари.....	10
I.2.Аҳоли яшаш жойлари таснифи.....	13
I.3.Пўлат дархон маҳалласи аҳоли пункти турар жой уйлари­нинг лойиҳа олди ҳисоби.....	16
I.4.Оилалар сонини ҳисоблаш.....	16
I.5.Аҳоли яшайдиган жойлардаги кўча ва майдонлар.....	17
I.6.Аҳоли яшайдиган ҳудудни лойиҳалаш.....	17
I.7.Пўлат дархон маҳалласи хўжалигидаги уйлар ва уларни жойлаштириш шартлари.....	18
I.8.Пўлат дархон маҳалласини мукамал режалаштириш.....	18
II-БОБ.Қишлоқ ҳудудининг меъморий-режавий ечими.....	20
II.1.Пўлат дархон маҳалласи ҳудудини фаолият доираларига тақсимлаш.....	20
II.2.Турар жой уйлари­ни танлаш ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини ҳисоблаш.....	23
III-БОБ.Пўлат дархон маҳалласини муҳандисона тайёргарлик ишлари қисми.....	25
III.1.Пўлат дархон маҳалласи ҳудудини муҳандисона тайёргарлик ишларининг умумий тадбирлари.....	25
III.2.Профиллар усули.....	29
III.3.Лойиҳавий (қизил) горизонтал усули.....	31
III.4.Лойиҳа горизонтал усули.....	33
III.5.Бинолар атрофларини тикка режалаштириш.....	36
IV-БОБ.Пўлат дархон маҳалласи ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва муҳандисона тармоқлари ҳисоби.....	39
IV.1.Кўкаламзорлаштириш тартиби.....	39
IV.2.Ўсимликлар ва ҳавонинг ифлосланиши.....	41

IV.3.Шовқинга қарши курашишда ўсимликларнинг аҳамияти.....	42
V-БОБ.Пўлат дархон маҳалласини муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш.....	43
V.1.Сув манбаи ва сув таъминоти.....	43
V.2.Электр тармоқлари манбаи ва электр тармоқлари схемаси.....	46
V.3.Маҳалла ҳудудини ёритиш.....	49
VI-БОБ.Меҳнатни муҳофаза қилиш.....	52
VI.1.Қурилишда меҳнат шароити муаммолари.....	52
VI.2.Бахтсиз ҳодисаларни расмийлаштириш ва уларнинг сабабларини ўрганиш.....	53
VI.3.Қурилишда меҳнат шароити ва бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш усуллари.....	54
Интернет маълумотлари.....	58
Хулоса.....	61
Фойдаланилган адабиётлар.....	63

Кириш

Пўлат дархон маҳалласи Окдарё туманига қарашли бўлиб маҳалла такомиллаштирилган замонавий лойиҳа асосида янги уй-жойлар қуриш ва маҳаллалар аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно мазмунини ташкил этади.

Пўлат дархон маҳалласи замонавий муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасига эга бўлган янги ва кўркам уй-жой массивларини барпо этиш мамлакатимиз қиёфасини ҳар томонлама обод қилишга қаратилган, истиқболга мўлжалланган муҳим вазифамиздир.

Бу борада шуни эътиборга олиш керакки, мазкур мақсадлар учун тузилаётган пудратчи қурилиш монтаж ташкилотлари барча ҳудудларда шакллантирилаётган уларнинг кучли моддий ишлаб чиқариш базаси нафақат уй-жойлар, балки саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини қуришга ҳам жалб этилади.

Пўлат дархон маҳалласи янги уй-жойлар энг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Бизнинг мақсадимиз, талабимиз шундаки, агар уй-жой қурадиган бўлсак, эски замондаги пахсадан эмас, балки етти пуштимизга етадиган қилиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб, 80-100 йилга мўлжаллаб қуришимиз керак.

Айнан ана шундай талаблар асосида ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда маънавий лойиҳалар бўйича кўплаб уй-жойлар қурилаётганидан хабарингиз бор албатта.

Ҳозирги вақтда вақтда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50%и, яъни 15 миллионга яқин одам қишлоқ жойларида истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда ушбу соҳада ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб вазифаларнинг кўлами ва миқёсини тасаввур этиш қийин эмас.

Шуларни эътиборга олган ҳолда бу борада шуни инобатга олиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларида ҳар йили 140000 дан ортиқ янги оила вужудга келмоқда. Мустақил тараққиётимиз йилларида эса қишлоқларимизда 2 млн 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезмоқда. Шу муносабат билан ҳозирги кунда қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш бўйича узок йиллар мобайнида ёндашувлар усули ва амалиётини қайта кўриб чиқиш вақти келгани бунини ҳаётнинг ўзи илгари сураётгани янада яққол аён бўлмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурининг муҳим хусусиятлари долзарблиги, унга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг принципиал хусусиятлари нималардан иборат? Бу борада биринчи навбатда ҳал этиш лозим бўлган принципиал масалалардан бири уй-жой қурилишининг қонунчилик ҳуқуқий ва норматив базасини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда ислоҳ этишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги принципга асосланган ҳолда қабул қилинган Уй-жой ва Қишлоқсозлик кодекслари қонун ва меъёрий ҳужжатларда мулкдорларнинг уй-жой ҳамда у барпо этилган ер участкасига муддатсиз эгалик қилиш ва уни мерос қилиб олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Пўлат дархон маҳалласи аҳолисига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бир оилага 6 сотих ҳисобида умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи билан бепул ажратилаётганлиги катта аҳамиятга эга.

Тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, қишлоқ жойларида уй-жой массивларини қуриш ишлари якка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган намунавий лойиҳалар асосида, муҳандислик коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан автомобил йўллари, ички коммуникация

тармоқларини қуриш, сув, газ ва энергия таъминотини йўлга қўйиш албатта амалга оширилиши лозим бўлган муҳим шартлардандир.

Янги уй-жой массивларида яшайдиган аҳоли сони инобатга олиниб, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шаҳобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда.

Пўлат дархон маҳалласида уй-жой комплексларини қуришда муҳандислик коммуникация инфратузилмаси билан бир қаторда янги турдаги сервис ва электрон хизматлар кўрсатиш объектларини барпо этиш ҳамда ишга тушириш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ масалалардандир.

Ҳозирги вақтда мамалакатимизда қишлоқ аҳолисини марказлашган тармоқлар орқали тоzza ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 75,8 фоизни, табиий газ билан таъминлаш даражаси 76,2 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилда Пўлат дархон маҳалласида ҳам уй-жойларни кенг кўламда қуриш ишлари кўзда тутилган. Жорий йилда қишлоқлар ҳудудида бошланган қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Европанинг тараққий топган давлатларида қурилган уйлардан асло кам бўлмаслиги керак. Уларнинг олдида одамлар оиласи, фарзандлари билан дам олиб ўтирадиган марказлар, зарур инфратузилма объектлари барпо қилиш, келгусида бундай уйларни яна кўплаб қуришга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Йўл-транспорт коммуникацияларининг ҳолати турар жой массивларининг (ҳолати) ичимлик суви, канализация иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланиш даражаси замонавий талабларга, қишлоқсозлик ва санитария нормаларига қанчалик жавоб беришини ҳисобга олишдан иборат.

Калтабинларча олиб борилган ишлар туфайли айрим бетакрор табиатига катта зарар етказилади, қанча-қанча боғлар бузилиб, ариқ ва булоқлар кўмилиб, уларнинг ўрнида иқлим шароитимизда мутлақо тўғри келмайдиган бир-бирига ўхшайдиган кўп қаватли темир бетон уйлар ишлаб чиқариш корхоналари ўйламай-нетмай қуриб ташланди. Яқин ўтмишдаги ана

шундай аччиқ тажрибалар шундан далолат берадики, қишлоқсозликда етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб бир кесиш керак.

Айниқса, бугунги кунда ўта долзарб бўлиб бораётган йўл қурилиш бундай ёндашувнинг аҳамияти катта. Бу ҳақда гапирганда, бир фикрни алоҳида такидлаш лозим: 4 ва 5 полосали йўллар қуриш кўчаларни кенгайтириш мумкин, йўл ёқасидаги йўлларни нима қилиш керак?

Кейинги йилларда Республикамиздаги кўплаб қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг чиройига чирой қўшилмоқда, халқнинг фаровон турмуши янада юксалиб бормоқда. Афсуски, бу жараён ҳамма жойларда ҳам бир хил эмас.

Айниқса, кўпчилик қишлоқларимизда бу ишда сусткашлик сезилмоқда.

Пўлат дархон маҳалласи қурилиши суръатини жадаллаштириш ва сифатини яхшилаш қишлоқ меъморчилигининг юксак бадиий савиясини кўтаришга боғлиқдир. Аммо шунга қарамасдан айрим қишлоқларнинг моддий, маданий, эстетик асосларига ва қишлоқдаги турмуш тарзининг ўзгартирилишига етарли эътибор бераяптилар.

Меҳнаткашларнинг маданий турмуш шароитини юксалтиришда аҳоли турар жойларнинг лойиҳаларини оқилона ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, яшашга қулай ва шинам биноларнинг маданий-маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари билан қурилиши ҳам бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Бу соҳада олинган амалий ва назарий билимлар, тажрибалар асосида олимлар ва мутахассисларимиз томонидан қатор тавсияномалар, қўлланмалар, меъёр ва қоидалар ишлаб чиқилди. Бугунги кунда қишлоқ уйларининг қурилиш сифатига қўйиладиган талаблар ҳам ортиб бормоқда.

Жумладан, иқтисодий ва ижтимоий демографик, меъморий бадиий ва табиий иқлим шароитларини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган ҳамда санитария-гигиена ва ёнғинга қарши талаблари ва бошқалар. Ана шу талаблар мажмуи қишлоқ уйларининг шаклланишдаги ўзига хос замонавий омиллар сифатида рўёбга чиқди.

Пўлат дархон маҳалласининг турмуш маданияти бу нафақат турар жойнинг қулайлиги, жозибатор-лиги, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш унинг талаб ва эҳтиёжлар ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМваҚ 2.07.01-89) бўйича Қишлоқ, туман, қишлоқ бош режаси ва лойиҳалари тайёрланади.

Бу қабул қилинган меъёрларда инобатга олган камчиликлар назарда тутилиб, халқимизнинг урф одатларини назарда тутиб, унинг иқлим шароити ва қишлоқсозлик бўйича шуғулланувчи илмий текшириш олийгоҳларининг таклиф ва талабларига асосланиб Қишлоқ, туман, қишлоқ, микрорайон ва маҳаллалар бош режаси тузилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳар қандай маҳаллани режалаштиришда биринчи навбатда маҳалла ҳудудида яшовчи ва маҳалла ҳудудидан ташқарида яшовчи аҳолининг сонини аниқлаш керак.

Маҳаллани ташкил қилувчи аҳоли сони. Бу аҳоли сони қурилишнинг биринчи навбатида 40% дан кам бўлмайди. Маҳалла қурилишининг ҳисоб вақтида 35% дан ошмайди.

Хизмат қилувчи аҳоли сони, бу аҳоли қишлоқ қурилишини биринчи навбатида 23% ни қишлоқ қурилишининг якунланган вақтида 26%ни ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган аҳоли, яъни нафақа ёшидаги, мактаб ёшидаги ва соғлиги туфайли ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган аҳоли

Пўлат дархон маҳалласининг қишлоқсозлик амалиёти шуни кўрсатадики, саноат ҳудудлари, турар жой ҳудудидан ажралган шамоил йуналишини эътиборга олган ҳамда булар орасини дарахтлар билан ажратилган ҳолда режалаштирилади.

Пўлат дархон маҳалласи маркази яхши кўкаламзорлаштирилган, автомобил йўллари, транспорт ҳаракати яхши йўлга қуйилган ва бундан ташқари маҳалла аҳолисига ўқув, савдо, даволаниш ва бошқа хизмат қилувчи ташкилотларни ҳамда ер ости ва ер усти муҳандислик тармоқларини юқори

техник табакада режалаштирилган ва ободонлаштирилган. Қишлоқларни тоза ва озода бўлишида муҳандисона ободонлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Пўлат дархон маҳалласини муҳандисона ободонлаштиришнинг бош мақсади турар жой биноларини ва маданий-маиший биноларини мақсадга мувофиқ ҳолда режалаштириш, йўл ва кўчаларни мумкин бўлган кўндаланг ва бўйлама нишабликда тикка режалаштириш, ёмғир ва қор сувларини қишлоқ ҳудудидан ташқарига чиқаришни таъминлаш асосий вазифалардан биридир.

Пўлат дархон маҳалласини муҳандисона ободонлаштиришнинг асосий вазифаларидан яна бири қишлоқ ҳудудини, турар-жой ва маданий-маиший биноларини сув, электр токи, иссиқ сув, телефон ва бошқа муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш ишлари киради.

Маҳаллани муҳандисона ободонлаштириш яна шундай вазифаларни ўз ичига оладики, яъни қишлоқ ҳудудини ва кўчаларини ёритиш, кўча ва йўлакларнинг устки қатламини танлаш ҳамда қишлоқ марказини, спорт иншоотларини, касалхоналарни, касалхона иншоотларини ва бошқа майдонларни ободонлаштиришни ўз зиммасига олади.

Маҳаллани муҳандисона ободонлаштиришнинг олдида турган яна бир қийинчиликлардан бири қурилган ва режалаштирилган қишлоқ табиатини муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор беради.

Шундай қилиб, Пўлат дархон маҳалласи ҳудудини муҳандисона ободонлаштириш юқорида келтирилган қисқача асосий мақсади ва вазифаларидан кўриниб турибдики, қишлоқсозликда энг керакли ўринлардан бирини эгаллайди.

РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ПЎЛАТ ДАРХОН МАХАЛЛАСИ ТАБИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ҚИСМИ

1.1.Режалаштирилаётган қишлоқ табиий шарт- шароитлари

Пўлат дархон маҳалласи танланган ҳудуд рельефи тинч. Ҳудуднинг замини қурилишга яроқли. Ер ости суви 8-10 метр чуқурликда жойлашган, тупроғи шўрхок эмас.

Пўлат дархон маҳалласи лойиҳаланаётган ҳудудга қишлоқсозлик нуқтаи назаридан қараганимизда бу ҳудудга қурилишига яроқсиз ерлар ва жарликлар йўқ.

Оқдарё туманининг шарқий қисмида жойлашган. Ушбу маҳалла лойиҳалангунга қадар қишлоқ аҳолиси кичик қишлоқларда яшаб келяпти.

Пўлат дархон маҳалласи электр энергиясини электр станциясидан олади. Бу станция билан хўжалик эҳтиёжлари қондирилади. Асосий ичимлик суви манбалари Артезиан қудуқларидир. Улар қишлоқнинг шарқий қисмида жойлашган. Қишлоқ лойиҳаланган ҳудудда қуйидаги маҳаллий қурилиш материаллари мавжуд. Шу ернинг ўзидаги тупроқ қурилишга ишлатишга яроқли. Лойиҳаланаётган бинолар асосан бир қаватли икки, уч, тўрт хонали уйлардан иборатдир.

Яшаш фондининг ҳисобий ва қурилиши лозим бўлган уйларни турлари бўйича бўлиниши кўрсатилган. Маҳаллага кириш жойи маҳалланинг ғарбий томонидан лойиҳаланган.

Маҳалла марказида қишлоқ боғи жойлашган. Уни лойиҳалашда кичик меъморий кўринишлар: суҳбат қуриш жойлари, айвонлар, дам олиш майдонлари қўлланилган. Паркнинг ҳудудида кичик спорт иншооти лойиҳаланган. Бу иншоотлардан ташқари парк ҳудудида аввалдан мавжуд бинолар жойлашган. Паркнинг умумий ҳудуди қуйидаги доираларга бўлинади. Оммавий тадбирлар ўтказиш доираси, спорт мусобақалари ўтказиш доираси, тинч дам олиш доираси кабилар фаолият юритади.

Пўлат дархон маҳалласидаги уйларни ва маданий маиший биноларни режалаштиришда аҳолига яхши шароит яратиш учун жой хоналарини таъминлаш керак ва қуйидаги талабаларга жавоб бериши шарт:

Пўлат дархон маҳалласи турар жой уйлари ва жамоат бинолари қуёш нури билан яхши таъминланган бўлиши керак ва юзанинг ўрта қисмларида уйлари ва бинолари узунлик ўқи бўйлаб шимолий жануб йўналишида жойлаштирилса, бу энг қулай жойлаштирилган уй ва бино ҳисобланади.

Гемотермик, яъни шамол йўналишини ҳисобга олсак шамол ўқи йўналишида, яъни шимолдан соат кўрсатгичининг айланиши йўналиши бўйича 18-22га ўзгартирсак жойлашган уй хоналарининг деразаси жанубий шарққа ва шимолий ғарбга қараб турса бир йиллик совуқ шамол эсиш кўрсаткичлари билан яхши таъминланган бўлади.

Бир-бири билан ёнма-ён ва қарама-қарши жойлашган уйлар қуёш нурига қараб жойлаштирилгани билан биринчи қаватдаги хоналарга қуёш нури тушмаслиги мумкин. Шунинг учун уйлар орасидаги масофа қуйидагича бўлиши керак. 1. Турар жой уйлари жойлашишини танлашда шамол йўналишини ва шамол тезлиги шу ҳудудда катта рол ўйнайди; 2. Маҳалла кўчаларининг йўналишини шамол эсиш йўналиши бўйича режалаштирилса, қишлоқ ҳудудига яхши шамол эсиши таъминланади. Қишлоқ аҳолисига яхши хизмат кўрсатиш учун 1-2 минг аҳоли яшайдиган уйларни жамлаб, турар жой гуруҳларини, яъни маҳаллаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир ва бу ҳар куни биринчи навбатда керак бўлган маданий маиший хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлари билан таъминланса жуда яхши бўлади.

Пўлат дархон маҳалласи жойлашган бинолар кўча, йўлак, қўра ва хўжалик саройлари атрофидаги яшилзорларни, қатор экилган дарахтларни, кустарниклардан ташқари қишлоқ ҳудудидаги ўсимликларни бир жойга тўплаб, яъни қишлоқ боғини ва у ерда спорт ва ёшларнинг ҳар хил ўйин учун майдон ташкил этиш керак.

Пўлат дархон маҳалласида машина ва пиёдаларнинг ҳаракатини ташкил этиш ҳам юқори ўринлардан бирини эгаллайди ва қишлоқларда қуйидагига машиналар ҳаракати учрайди:

- 1.Йўловчилар машинаси (шахсий);
- 2.Юк ташувчи машиналар (озик-овқат уй-рўзғор буюмларини ва мебелларни олиб келувчи, олиб кетувчи ва ҳоказо);
- 3.Махсус машиналар (тез ёрдам, ўт ўчириш ва чиқиндиларни олиб кетиш учун мўлжалланган машиналар);

Пўлат дархон маҳалласи машиналар ҳаракатининг сони маҳалла ҳудудига ва аҳоли зичлигига боғлиқ бўлиб қишлоқда ҳаракат қилувчи машиналар сонидан кўра бу қишлоқда тўхтаб турувчи машиналар сони кўп бўлади. Улар енгил, юк ташувчи ва махсус машиналардир.

Пўлат дархон маҳалласи ҳудудига машиналар ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасини ишлаганда қуйидагиларни инобатга олиш керак:

- 1.Турар жой уйларига кириш йўлакчаларининг жойлашишини;
- 2.Маҳалла ҳудудига кириш кўчасини жойлашишини;
- 3.Маҳалла ҳудудидан йўлакчаларни жойлашишини;
- 4.Мактаб ва болалар боғчасига келишини ташкил этиш;
- 5.Магазинларга хизмат қилувчи машиналар тўхташ майдончаларининг жойлашишини;
- 6.Чиқинди ахлатлар йиғиладиган жойни ва уларга келадиган йўлакчаларни жойлашишини инобатга олиш керак.

1.2.Аҳоли яшаш жойларининг таснифи.

Пўлат дархон маҳалласи ҳудудида яшаётган аҳоли сони қишлоқ ва қишлоқ аҳолисига бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгандан кейин, аграр давлатдан саноати ривожланган давлатлар сафига қўшилиб, қишлоқ аҳолисига нисбатан қишлоқ аҳолиси ўсиб бораётир. Биз мисол тариқасида, қуйидаги жадвалда аҳоли сонининг ўзгаришини кўрамыз.

Йил	Аҳоли сони	Минг киши	Жами аҳолига	Нисбатан %
	Қишлоқ	қишлоқ	Қишлоқ	қишлоқ
2007	2729	5390	33,61	66,39
2008	4322	7477	36,63	63,37
2009	6348	9043	41,24	58,76
2010	8106	11800	49,72	59,28

Биз Пўлат дархон маҳалласи ва қишлоқларда яшаётган аҳолининг яшаш шароитларини тўлиғича яхшиламасак, яхши ободонлаштирилмаган уй, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш биноларни қурмасак, ишлаб чиқариш ташкилотларининг жойларга тўғри режалаштириш қишлоқ аҳолисининг ўсиши ва қишлоқ ҳудудининг каттариши сақланиб қолиши мумкин.

Пўлат дархон маҳалласи қилаётган ишларимиз қишлоқ ёшларини шу қишлоқларда яшаб қолишини ва қишлоқ аҳолисининг ўсиши ва қишлоқдан кўчиб кетиш фоизини камайтиради.

Пўлат дархон маҳалласи турар жой ҳудудини режалаштирганда тарихий маданиятини халқ хўжалигининг қайси соҳаси бўйича шуғулланиши ва жамоа марказининг қаерда жойлашишини инобатга олган ҳолларда режалаштириш керак. Аҳоли турар жой ҳудуди халқ ҳудуди соҳаси бўйича қишлоқ, қишлоқ типига қишлоқ ва қишлоқларга бўлинади.

Маҳалла деб, асосан аҳолиси саноат корхоналари маиший хизмат кўрсатиш бошқарув маданий ва илм фан соҳаларида шуғулланувчи турар жой ҳудудига айтилади.

Маҳалла ва қишлоқ оралиғида жойлашган турар жой ҳудуди қишлоқ типига қишлоқ дейилади ва улар қуйидагиларга бўлинади:

а) Ишчилар қишлоғи бу қишлоқлар катта заводлар, фабрикалар, шахталар, табиий ер ости қазилма бойликлари, электростанциялар, темир йўл станциялари, катта қурилиш ва бошқа иқтисодий жиҳатдан жуда керакли бўлган иншоотлар жойларда, аҳоли уч мингдан ўн икки минггача бўлган турар жой ҳудудига айтилади;

б)Дала ховлилари, қишлоқлар қишлоқ ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлиб, вазифаси қишлоқ аҳолисининг дам олиши, озиқ овқат маҳсулотлари билан маълум фоиз таъминлаш учун мўлжалланган, қишлоқ хўжалик ишлари билан аҳолисининг 25%дан ками шуғулланган бўлиши керак;

в)Дам олиш, санатория қишлоқлари бундай қишлоқлар табиий шароити инсон соғлигини соғломлаштирувчи жойларга аҳолиси 2 минг кишидан ортиқ бўлмаган ва аҳолисининг 50% вақтинча келиб даволанувчи аҳоли бўлган жойларга айтилади.

Пулат дархон маҳалласи аҳолиси пункти уч турга бўлинади:

а)қишлоқ хўжалик аҳоли пункти бундай жойга қишлоқ хўжалик ташкилотларини, бирлашмалар маркази ва уларнинг хўжаликлараро бўлимлари жойлашган қишлоқлар киради.

б)қишлоқ хўжалигида боғлиқ бўлмаган қишлоқ аҳоли пункти бундай жойга алоҳида саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, ўрмон хўжалиги ва транспортларга хизмат қилувчи қишлоқлар киради.

в)аралаш шаклдаги қишлоқ аҳоли пункти бундай жойга район маркази ва жамоа хўжалиги еридан фойдаланмайдиган аҳоли пунктлари киради. Бу қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ҳудуддан ташқарида жойлашган, саноат корхоналарида, транспорт соҳасида ва бошқа ишлаб чиқариш ташкилотларида ишлайди.

Ҳамма қишлоқ аҳоли пунктлари ҚМваҚ 2.07.01.97 да кўрсатилганидек, қуйидаги қишлоқ аҳоли пунктларига бўлинади.

Ҳамма турар жой пункти аҳолиси 3та гуруҳга бўлинади: яъни, қурилишда, қишлоқ хўжалик ташкил этувчи аҳоли, хизмат қилувчи ва ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган аҳолиларга бўлинади.

а)қишлоқни ташкил қилувчи аҳоли гуруҳига қишлоқ хўжалик қурилишида, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда, қишлоқ хўжалик ишларида ва чорвачилик соҳасида ишлаётган ишчилар киради.

б)хизмат қилувчи аҳоли гуруҳига шу қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган жамоа бинолари, ташкилотлар ва корхоналарда ишлаётган ишчилар киради.

в)ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган аҳолилар гуруҳига боғча, мактаб ёшидаги болалар, нафақа ёшидаги уй иши билан шуғулланувчилар, коллеж, лицей, институт талабалари киради.

1.3. Пўлат дархон маҳалласи аҳоли пункти турар жой уйлари лойиҳа олди ҳисоби.

Пўлат дархон маҳалласи аҳоли турар жой лойиҳасини ишлашдан олдин келажакдаги қишлоқ аҳоли сони, демографик таркиби, сони, яшаш хоналар ҳажми, саноат корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳисоб қилиниши керак бўлади.

Пўлат дархон маҳалласидаги аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва нафақага чиққан ишлаш истагини билдирган қисмини ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонини аниқлаш мумкин. Қишлоқ аҳолиси турар жой ҳудуди лойиҳаси ҳисоби 2 вақтга қараб ҳисобланади ва лойиҳаланади: яъни, келажакдаги аҳоли пунктнинг ривожланиши 20 йил ва биринчи даврдаги қурилиш вақти 5 йил. Аҳоли сонини аниқлашнинг икки усули мавжуд: Бажариладиган иш ҳажмига қараб аниқлаш ва Статистик маълумотлар асосида аниқлаш.

Пўлат дархон маҳалласи аҳолиси сонини иш ҳажмига нисбатан ҳисоблаш. Қишлоқ аҳолиси ишлаб чиқаришда қатнашмаётган аҳолилар сонига қараб ва район режасига қараб қуйидаги формула билан аниқланади:

$$N = \frac{A * 100}{100 - (B + V)} = \frac{1000 * 100}{100 - (23 + 51)} = 3846 \text{ киши}$$

1.4. Оилалар сонини ҳисоблаш

Пўлат дархон маҳалласи хўжалигида яшайдиган жойларнинг лойиҳасини тузишда демографик статистика маълумотларидан аҳолининг табиий ва кўчиб келиши ҳамда кўчиб бориши натижасида ўсиши, ёшлари,

оилалар сонини аниқлашда фойдаланилади. Аҳолининг ёши, таркиби, жамоа корхоналарини жойлаштириш ва қуришда оилалар таркиби эса қуриладиган ўйлар сони ва уларнинг хоналарини аниқлашда ишлатилади.

$$X=N/Ч=3846/6,2=620$$

бу ерда: Х-оилалар сони, Н-келажакдаги аҳоли сони, Ч-бир оиланинг ўртача таркиби

1.5.Аҳоли яшайдиган жойлардаги кўчалар ва майдонлар.

Пўлат дархон маҳалласида кўчалар транспорт ва пиёдаларнинг катновини таъминлаш, муҳандислик иншоотлари (тармоқлари) ва яшил дарахтлар жойлаштириш учун хизмат қилади. Аҳоли яшайдиган жойлардаги кўчалар ва йўллар, ташқи майдонлар, автомобил йўллари билан қулай алоқани таъминловчи қатнов тизими ҳисобланади. Катта қишлоқлар, қишлоқлар лойиҳасида кўчалар маълум бир ички қатнов тизимини ташкил қилади.

Пўлат дархон маҳалласида кўчалар тўғри геометрик тизими, бир чизик бўйлаб тўғри бурчак нур, айлана нур ва диагональ шаклларда жойлашади. Бир чизик, лента бўйлаб жойлашадиган кўчалар тизими аҳоли пункти йўли, канал ёки ариқ бўйлаб жойлашганда учрайди. Кўчаларни бундай жойлаштиришнинг салбий томони шундан иборатки, аҳоли пункти майдони чўзилиб кетади. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тарқоқ ҳолда ва ҳовлидан узоқда жойлашади.

1.6.Аҳоли яшайдиган ҳудудни лойиҳалаш.

Пўлат дархон маҳалласи аҳолиси яшайдиган ҳудудни режалаштирганда, маҳалла табиий ва иқтисодий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва корхоналарнинг мавжудлиги эътиборга олинади. Аҳоли яшайдиган ҳудуд автомобил алоқаси билан яхши таъминланган бўлиши керак.

Пўлат дархон маҳалласи, аҳоли яшайдиган ҳудуд маданий, маиший бино ва ташкилотлар ҳамда кўча майдонлар ҳудудини ўз ичига олади. Аҳоли

турар жой ҳудудидан ҳар қандай тарифдаги автомобил йўллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб ўтувчи йўллар ва жамоа эмас, аҳоли ҳовлисига ҳар хил минерал ўғитлар олиб келиш, юк машиналари ва қора молларни олиб кетиш учун алоҳида йўллар режалаштирилиши керак.

Турар жой уйлари учун ажратилган жойга об-ҳаво шароитига, вужудга келган маиший хизмат турига, ишлаб чиқариш фаолиятига қараб ҳар хил турдаги уйлар қурилади.

1.7. Пўлат дархон маҳалласи хўжалигидаги уйлар ва уларни жойлаштириш шартлари.

Пўлат дархон маҳалласи хўжалиги қурилишида уч хил аҳоли уйлари қурилади: бир оилага мўлжалланган томорқали, икки оилага мўлжалланган томорқали, икки оилага мўлжалланган бирлаштириб қуриладиган уйлар ва томорқасиз секцияли уйлар.

Пўлат дархон маҳалласи томорқа участкаларида қуриладиган уйлар шахсий уйлар бўлиб, бир икки қаватли ва бир ёки икки оилага мўлжалланган бўлиб, икки, уч, тўрт хонали ва ҳоказо уйлар киради. Бу уйларнинг асосий қурилиши кўчага қаратиб ва ундан 5 м ичкарига жойлаштирилади. Кўча билан уй орасидаги майдонга гулзорлар, мевали ёки манзарали дарахтлар экиш тавсия этилади. Ҳовли ичкарисига хўжалик иморатлари қурилади. Уй ичидаги хоналарни қуёш нури билан ёритилиши ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Бир квартира билан иккинчи квартира оралиғи ойнасиз девор билан чегараланади. Ҳар бир оила мустақил шахсий аҳоли эга бўлиб, томорқа участкаларида ўз фаолиятини юритилишга шароит яратилади. Бундай уйларнинг ҳажми катта, кўриниши чиройли ва муҳандислик тармоқларидан фойдаланиш 2; 3 марта арзонга тушади.

1.8. Қишлоқни мукаммал режалаштириш.

Пўлат дархон маҳалласи турар жой доирасининг қурилиши уйларни турар жой доираси мажмуа сифатида ва алоҳида гуруҳлар сифатида лойиҳалаш мумкин. Бу уйлардан унча узок бўлмаган участкани

кўкаламзорлаштириш ва дам олиш майдончаларини ҳамда болалар ўйнаши учун майдончаларни ҳамда болалар ўйнаши учун майдончаларни жойлаштириш керак. Турар жой доирасини режалаштиришда уйларни қуёш нури билан таъминлаш ва микрорайон ҳудудининг рельефи асосий ўринда туради.

Пўлат дархон маҳалласи турар жой гуруҳи ҳовлиларида болаларнинг ўйнаши, кексаларнинг дам олиши учун, хўжалик ва чиқиндилар ташиш майдончалари жойлашади.

Пўлат дархон маҳалласи болалар ўйнаши учун ажратилган майдончалар қишлоқда яшаётган бир киши учун $0,7\text{м}^2$ ҳисобида аниқланади. Ҳар хил ёшдаги болалар ўйинини эътиборга олиб, болалар майдончаларини алоҳида алоҳида ёшига қараб жойлаштирилса яхши бўлади, яъни боғча ёшидагилар, мактаб ёшидагилар, бошланғич синф болалари учун бу майдончалар турига ва вазифасига қараб қуйидаги жиҳозлар билан жиҳозланиши мумкин.

Маҳаллада кексалар дам олиш майдончалари қуйидаги меъёردа (қишлоқда яшаётган бир кишига $0,1\text{м}^2$) ҳисобланади ва ўлчами $12\text{-}20\text{м}^2$ бўлади.

Пўлат дархон маҳалласи аҳолисининг шахсий машиналари қисқа вақт туриши учун ажратилган майдончалар ҳар бир олдидаги йўлакчаларни кенгайтириб ёки боши берк йўлакнинг охирида, бундан ташқари уйнинг ён томонида жойлаштирилса яхши бўлади. 5 қаватли уйнинг олдидаги турар жойга 4–5 машина жойлашиши ҳисобга олинади ва унинг майдонини ҳар бир машинага 25м^2 дан жой ажратиб ҳисобланади.

ПУЛАТ ДАРХОН МАХАЛЛАСИ НИНГ МЕЪМОРИЙ- РЕЖАВИЙ ЕЧИМ ҚИСМИ

2.1. Пулат дархон маҳалласи ҳудудини фаолият доирасиларига тақсимлаш.

Пулат дархон маҳалласи ҳудудини фаолият доирасига тақсимлашнинг мақсади маҳалла ҳудудини жуда яхши турда фойдаланиш учун уйларни, мактабгача бўлган болалар биносини, мактабни, қишлоқ марказини ва бошқа биноларни тўғри хизмат қилиш радиусига қараб жойлаштиради.

Бунинг учун зоналарга тақсимлашнинг бир нечта турлари чизилади. Бу чизилган чизмаларни бир бири билан таққослаб, яъни микрорайонда жойлашган боғча, мактаб, қишлоқ жамоа марказининг хизмат қилиш радиуси, қишлоқнинг ихчамлиги ва бошқа кўрсаткичлари ҳам эътиборга олингандан кейин энг яхши тури аниқланади ва шу тур қишлоқни режалаштиришнинг ўзаги бўлиб қолади.

Функционал зоналарга тақсимлаш чизмаси қишлоқ бош режасига нисбатан кичик масштабда бажарилади. Агарда қишлоқ 1:1000 масштабда лойиҳаланса, унда функционал зоналарга тақсимлаш чизмаси 1:2000 ёки 1:5000 масштабда бажарилади.

Бу масштаб ажратилган жойнинг чегарасини, ўлчамларини ва хизмат қилиш радиусини ҳамда зоналарнинг бир бирига боғлиқлигини кўрсатиш талабига тўлиқ жавоб беради. Бундан ташқари шуни эътиборга олиш керакки, қишлоқ ҳудудида маъмурий бинолар, меҳмонхоналар ва бошқа фаолият доираларни ташкил қила олмайдиган бинолар жойлашиши ҳам мумкин.

Турар жой зонаси чегаралари қизил чизиқлар билан чегараланган бўлиб бу қишлоқни қўшни қишлоқдан, Қишлоқ марказидан ва бошқа жойлардан ажратиб туради. Қизил чизиқ билан қурилиш чизиғи оралиғи, магистрал йўлининг ён томони кўкаламзорлаштирилади, чунки бу

машиналардан чиққан газларнинг ва шовқинни камайтириш учун мўлжалланади.

Пўлат дархон маҳалласининг жамоа маркази асосан қишлоқнинг ичида жойлашган бўлиб, қишлоқ аҳолисига яхши хизмат қилиш радиуси билан таъминланган бўлиши керак.

Жамоа савдо марказини жойлаштирганда, бирорта катта магистрал кўча томонидаги кўкаламзорлаштирилган жойни бузиб у ерда жамоа савдо маркази биноси олдидан унча катта бўлмаган майдон ташкил этилади.

Коммунал хўжалик ташкилотлари кўра, буғ қозони қишлоқ зоналаридан асосан мактаб ва болалар боғчасидан ажратиб қўйилиши керак.

Ер ости ва ер устидаги қўраларни 25 50 машина гуруҳига жамлаб турар жой зонасидан ташқари алоҳида ажратиб жойлаштирилиши керак. Фаолият доираларига тақсимлаш чизмасида турар жой доирасига ҳар куни хизмат қилувчи ташкилотларни кўрсатиш керак.

Пўлат дархон маҳалласи лойиҳасини тузишда қуйидагилар кўзда тутилган:

-қишлоқ майдонини қурилиши лозим бўлган объектларга бўлиб чиқиш, яъни ҳовли ва турар жой, дам олиш ва жамоа коммунал доираси, қурилиш ва ёрдамчи қурилиш майдончаларининг ҳақиқий ўлчамларини аниқлаш, навбат асосида қурилиш зарур иншоотлар ва келгусида қишлоқнинг ривожланиши ва кўкаламзорлаштириш кўзда тутилган.

-қишлоқ ҳудудидаги ички ва ташқи транспорт йўллари ва асосий кўчалар қурилишини ташкил қилиш ва қишлоқ аҳолисига маъмурий бинолар билан алоқани яхшилаш, қишлоқнинг ички қисмида пиёдалар йўлакчалари ва автомобиллар қайтиш жойлари кўзда тутилган.

-маъмурий ва маданий маиший биноларни қулай жойлаштириш. Бу бинолар лойиҳа асосида бир бирига боғлиқлигига қараб мақсадга мувофиқ ҳолда қишлоқнинг марказига ва марказий кўчалар бўйида жойлаштирилган. Аҳоли турар жой ҳудудини меъморий лойиҳаланганда бир нечта фаолият доираларига тақсимланади.

Кичик қишлоқлар ва қишлоқ туманидаги туман марказлари қуйидаги фаолият доираларига тақсимланади.

Аҳоли яшайдиган ҳудуд, ишлаб чиқариш ҳудуди ва санитар ҳимоя ҳудуди

Аҳоли турар жой ҳудудини шунчаки оддий фаолият доираларига тақсимлаш Қишлоқсозликнинг асосий ғояси эмас, балки ишлаб чиқариш билан аҳоли яшаш жойларини бир бири билан бир жойга, ишлаб чиқариш иншоотларни бир жойга ташлаб аҳолининг яшаши, ишлаши ва дам олиши учун яхши шароит яратиш мақсадида фаолият доираларига тақсимланади.

Пўлат дархон маҳалласи аҳоли яшайдиган ҳудудда аҳолининг тармоқлари, уйлари ва хўжалик бинолари, маданий маиший, коммунал корхоналари, кўчалар, майдонлар, боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, спорт иншоотлари ва бошқалар жойлашади.

Ишлаб чиқариш ҳудудида, хўжаликдаги машина трактор парки, озик овқатлар сақлайдиган, пахта тозалайдиган, ипак куртини боқадиган ҳовлилар, қорамол, қўй, йилқи, паррандалар ва бошқа фермалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ташкил қилади. Улар аҳоли яшайдиган ҳудуддан 1,5 2км узоқликда, сув оқимининг қуйи томонида ва шамол йўналишининг қарама қарши томонидан жойлашади.

Ҳозирги кунда қишлоқ аҳоли пунктлари фаолият доираларини катта кўчага нисбатан жойлаштиришнинг 3та кўринишдаги схемаси амалиётда мавжуд.

-Катта кўчага нисбатан аҳоли яшайдиган ва ишлаб чиқариш ҳудудлари параллел жойлашган бўлиб, ҳар бир фаолият доирасига катта кўчадан алоҳида алоҳида транспортлар кириб чиқади ва ишлаб чиқариш ҳудудига келаётган транспорт аҳоли яшайдиган ҳудуддан ўтмайди;

-Қишлоқ аҳоли пунктини кенг очик жойда режалаштирилганда катта магистрал йўл атрофида ишлаб чиқариш ҳудуди жойлаштирилса, биринчидан аҳоли пунктнинг архитектура кўриниши бузилади, шунинг учун катта магистрал йўлдан ишлаб чиқариш доирасига аҳоли яшайдиган

худудни четлаб ўтувчи қўшимча йўл ўтказиб аҳоли яшайдиган худуддан кейин ишлаб чиқариш худуди жойлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади;

-Қишлоқ аҳоли пункти магистрал йўлда алоҳида жойлашган бўлиб, лекин ҳар хил сабабларга қўра, яъни ер захираси бўлмасдан ва шамол йўналиши талабига жавоб бермасдан ишлаб чиқариш;

-Худуди катта магистрал йўл ёнига жойлашиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш худуди билан магистрал йўл орасида санитар ҳимоя ва меъморий кўринишини яхшилаш тадбирлари олиб борилиши керак.

-Қишлоқ аҳоли пункти магистрал йўлнинг икки томонида, яъни аҳоли яшайдиган худуд бир томонда ва ишлаб чиқариш худуди иккинчи томонда жойлашиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда магистрал йўлни кесиб ўтувчи йўллари сонини камайтириш ишлари олиб борилиши керак, яъни кесиб ўтувчи йўللарни икки тавақда ўтказиш керак.

Пўлат дархон маҳалласини санитар ҳимоя худуди, аҳоли яшайдиган худудни, ишлаб чиқариш худудидан ва серқатнов йўللар томонидан чиқарган зарарли газлар, нохуш ҳидлар, чанг ва шовқиндан ҳимоя қилади ва улар ораликда жойлашади.

2.2. Турар жой уйлари танлаш ва маиший хизмат кўрсатиш муассасасини ҳисоблаш.

Пўлат дархон маҳалласи аҳолисини турар жой билан таъминлаш учун керакли бўлган уйлари танлаб қишлоқ худудига жойлаштириш керак. Турар жой уйлари лойиҳа турларини, қабул қилинган лойиҳа “каталогидан” танлаб олинади. Бундан ташқари лойиҳачи келажакда қурилиши мумкин бўлган ҳали тасдиқланмаган турар жой уйлари лойиҳасини танлаб олиши мумкин, аммо шу қабул қилинган уй лойиҳасини қайси ойномадан ёки адабиётдан олган бўлса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатига шу ойнома ёки адабиётни ҳам киритиш керак.

Пўлат дархон маҳалласидаги турар жой уйлари танлашда бир хил туркумдаги уйлари танлаш тавсия этилади. Қишлоқ уйлари иложи борича бир туркумдаги 2-3 хил уйлاردан қурилиши керак.

Турар жой уйларининг кўринишини танлашда қурилиш тумани иқлимини ва таклиф қилинган қуёш йўналишини (ориентация) ҳисобга олиш керак. Тўғри танланган уйнинг тури, турар жой хоналарининг кўпини қуёш нури билан таъминлайди.

Пўлат дархон маҳалласи лойиҳасини режалашда қўлланиладиган маданий маиший биноларга қуйидагилар киради: 200 ўринли клуб, болалар боғчаси, ёзги кинотеатр, 1та магазин, қишлоқ кенгаши биноси, 50 ўринли ошхона ва бошқалар.

ПЎЛАТ ДАРХОН МАХАЛЛАСИНИ МУҲАНДИСОНА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИСМИ

3.1. Пўлат дархон маҳалласи ҳудудини муҳандисона тайёргарлик ишларининг умумий тадбирлари.

Пўлат дархон маҳалласи ҳудудини лойиҳалаш, қуриш ва келгусида ишлатишда муҳандисонаа тайёргарлик ва ободонлаштириш ишлари асосий вазифалардан бирини бажаради.

Пўлат дархон маҳалласи қурилишига ажратилган жойни танлашда ва баҳолашда бу жойни ўзлаштиришда муҳандислик тайёргарлик ишлари муҳим роль ўйнайди. Қишлоқни муҳандисона режалаштиришда, ободонлаштиришда ва қуришда табиий шароитлар ва физик, геологик жараён, шу жойга ўзига хос таъсир қилади.

Асосий табиий шароитлардан бири, табиий ернинг юза тузилиши, ёмғир суви ва ундан ташқари Қишлоқ атрофида ва ҳудудида жойлашган дарё ва сув ҳавзалари ҳисобланади.

Шуни эътиборга олиб, жойларни муҳандисона тайёргарлик ва ободонлаштириш ва ёмғир, қор ва сув оқимларини ташкиллаштириш тадбирлари асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Пўлат дархон маҳалласини қуриш мақсадида ажратилган ер, ишлатиш учун мўлжалланган табиий ернинг юза тузилиши, режалаштириш, қуриш ва ободонлаштириш талабини кўпинча қониқтирмайди.

Ҳудудини муҳандислик тайёрлаш табиий шароитни ўзгартириш, яхшилаш, бундан ташқари физик-геологик жараёнларни ривожланиши ва Қишлоқ ҳудудига таъсирини чеклаш каби муҳандислик тадбирлардан иборат.

Физик-геологик жараёнлар ташқи сувларни қочиришни ёмонлаштирувчи, сизот сувларининг сатҳини ошишига ва ботқоқликларни пайдо бўлишига сабаб бўлувчи шаҳар ҳудудида рельеф сирти ва шаклини ўзгаришига олиб келади.

Физик-геологик жараёнлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: Қишлоқ ҳудудини атмосфера ёғинлари ва дарёларнинг тошиши натижасида

сув босиши; Сизот сувлари таъсирида Қишлоқ ҳудудининг ёмонлашуви; Қишлоқ ҳудудида жарликларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиши; Кўчкилар, жарликлар; Қишлоқ тарафга йўналган сел оқимлари; Қишлоқ ҳудудида карст ва чўкиш ходисалари; Релъефнинг сув ва шамол эрозияси таъсирида бузилиши ва ҳ.к..

Пўлат дархон маҳалласини муҳандислик тайёргарлик ишлари табиий шароити ноқулай ҳудудларни қурилиш учун мослаштириш эвазига қишлоқ ҳудудидан самарали фойдаланиш учун хизмат қилади. Бу билан, кўча-йўл тармоғи, жамоат транспорти ва ер ости коммуникация тармоқлари қисқаради.

Маҳалла қурилишида муҳандислик тайёргарлигининг аниқ масалалари ҳудудни танлашда, қишлоқни лойиҳалашда техник-иқтисодий асоснома ва унинг бош режасини ишлаб чиқишда аниқланади.

Маҳалла ҳудудини муҳандислик тайёрлашда қуйидаги асосий қурилиш ишлари бўлиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ер ишлари;
- ташқи (атмосфера) сувларини қочиришнинг очиқ ва ёпиқ сув қочиргичларни қуриш;
- сизот сувларини пасайтириш мақсадида дренаж тизимларини қуриш;
- ҳудуд сиртини мувозанатда сақлаш мақсадида қуриладиган иншоот (тиргак девор, дамба ва ҳ.к.) лар;
- жарлик ва силжиш мавжуд бўлган ҳудудларда қияликларни вертикал режалаш ёрдамида кучайтириш ва ҳ.к.

Ҳудудда табиий шароитларнинг таъсири даражаси ва муҳандислик тайёргарлиги ишларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда лойиҳа (харита)ларнинг таркиби ва миқёси қуйидаги чегарада аниқланади 1:10000-1:25000 (кичик Қишлоқлар учун 1:5000).

Лойиҳа таркибига қуйидагилар киради:

-ҳудудни сув босиши мумкин бўлган чегараларини, грунт шароитларини, сатҳи юқори бўлган сизот сувлари мавжуд майдонлар,

жарликлар, силжиш ва бошқа табиий шароитлар кўрсатилган мухандислик-геологик харита;

-курилиш учун ноқулай ҳисобланган, силжиш, карст ва бошқа жараёнлар мавжуд майдонлар кўрсатилган ҳудудларнинг схемаси;

-асосий бажарилиши лозим бўлган, кетма-кетлиги кўрсатилган Қишлоқ ҳудудини мухандислик тайёрлаш схемаси.

Ҳудудни қишлоқсозлик нуқтаи назаридан баҳолаш, авваломбор, жойнинг табиий жараёнлар таъсирида шаклланган табиий рельеф хусусиятлари ва шаклига боғлиқдир.

Пўлат дархон маҳалласи рельефини ўрганиш геоморфология фанининг вазифаси бўлиб, бу фан рельефнинг шаклланиши, вақт ва фазода ривожланиши (генезис)ни ўрганади.

Қишлоқсозлик тажрибасида табиий ва ўзлаштирилган рельефнинг 2 хил тури қабул қилинган: макрорельеф, катта ҳудудлардаги сезиларли даражадаги паст-баландликларга эга бўлган сиртлар; микрорельеф-маълум бир ҳудуддаги, жуда сезиларли бўлмаган нишабликларга эга бўлган сиртлар.

Табиий рельеф ерни литосфера деб аталувчи қаттиқ қобиғи сиртининг турли кўринишдаги оддий ва мураккаб элементар шаклларида иборатдир. Рельефнинг бундай шаклларига водийлар, қир ва адирликлар, жарликлар, чуқурликлар, тепаликлар ва ҳ.к.лар мисол бўлади.

Рельефнинг асосий шакллари текисликлар ва тоғликлардан иборат. Ўз навбатида текисликлар Қишлоқсозлик амалиётида қуйидаги категорияларга бўлинади: Нишаблиги 0-0,4% жуда текис бўлган рельеф; Нишаблиги 0,4-3% чегарасидаги текис бўлган рельеф; Нишаблиги 3-6% чегарасидаги сезиларсиз қияликдаги рельеф; Нишаблиги 6-10% чегарасидаги сезиларли қияликдаги рельеф; Нишаблиги 10-20% чегарасида бўлган қиялик; Нишаблиги 20% катта бўлган қиялик.


Тоғли рельеф турли баландликлардаги тоғларнинг мавжудлиги билан характерланади.

Жойнинг рельефи эса топографик хариталарда текисликни горизонтал текислик билан кесганда ҳосил бўлган проекциясини акс эттирувчи режадаги горизонталлар билан кўрсатилади. Ҳар бир горизонтал қабул қилинган сатҳга нисбатан маълум бир баландликни билдиради.

Ўзаро зич жойлашган горизонталлар қияликни, аксинча эса текисликни кўрсатади.

Горизонталларни акс эттирувчи режа Қишлоқсозликда режалаш ва қуриш лойиҳаси учун ҳамда кўпгина бошқа турдаги муҳандислик масалаларини ечишда асос бўлиб хизмат қилади.

Белгилар. Режа горизонталлари оралиқларидаги белгиларнинг ҳақиқий аниқлиги, қидиралётган нуқтанинг иккала горизонталга туғри чизикли перпендикуляр ўтказиб, интерполяциялаш натижасида аниқланади.



1-расм. Белгиларни интерполяциялаш

1:1000 ва 1:2000 миқёсдаги режалар учун белгиларнинг ҳақиқий аниқлиги қуйидаги қийматларда аниқланади:

Горизонталлар оралиғи ҳар 0,2м	2-3 см
« « « 0,25м	3 см
« « « 0,5м	6-7 см
« « « 1,0 м	15 см

Пўлат дархон маҳалласида лойиҳа-режа ишларини бажаришда, баъзида қўшимча рельеф чизиқларини ўтказиш билан рельефни янада майдалаштириш талаб этилади. Рельефни янада аниқлигини оширишга, унинг орасидан сунъий равишда қўшимча рельефлар ўтказиш билан эришиб бўлмайди. Бундай ҳолатда албатта жой учун қўшимча нивелирлаш ишлари ёки бошқа маълумотлар зарур бўлади. Баъзи ҳолларда, ҳудудни дастлабки тайёрлаш босқичида режада рельеф йириклаштирилади. Бунда, масалан, 0,5м ўтказилган горизонталлар орасидан биттадан горизонтал олиб ташланади. Бундай режа фақатгина жойнинг фақатгина характерли шакллари ҳақида тасаввур беради.

3.2 Профиллар усули

Пўлат дархон маҳалласини профиллар усулида вертикал режалаш лойиҳалаш усулларида бири бўлиб, бу усулга асосан, лойиҳалашнинг чизма материаллари профиллар сеткаси акс этган ҳудуднинг тарҳи билан профилларнинг ўзларидан иборат бўлади.

Профиллар ҳудуд тарҳида горизонталлар ёки нивелир белгилари билан тузилади.

Вертикал режалашни профиллар усулида лойиҳалаш қуйидаги кетма-кетликда бажарилади: лойиҳаланаётган ҳудуд тарҳи профиллар сеткасига бўлинади; сетканинг иккала йўналиши бўйича профиллар тузилади; профилларни уларнинг кесишган ўзаро боғлиқ жойларида лойиҳалаш; ер ишлари ҳажмини ҳисоблаш (олиш ва тўкиш).


Вертикал режалаштиришда профиллар усули бўйича лойиҳалаш қуйидаги кетма-кетликда олиб борилади: лойиҳаланаётган ҳудуд тарҳини профиллар сеткасига бўлиш; сетканинг иккала йўналиши бўйича профилларни тузиш; профилларни, уларнинг кесишган, ўзаро боғлиқ жойидан лойиҳалаш; ер ишлари ҳажмини ҳисоблаш (олиш ва тўкиш).

Профиллар сеткаси квадратлар ёки тўғри бурчакли тўртбурчаклар бўйича бўлинади, уларнинг ўлчамлари вертикал режалашни лойиҳалаш босқичларидан, ҳудуднинг ўлчами ва вазифасидан ҳамда табиий

рельефнинг кесишганлик даражаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Квадрат томонлари кичик ҳудудлар учун 20-40 ёки 50м, нисбатан катта, қурилмайдиган ва махсус фойдаланиш учун тайёрланадиган (суғориш ва фильтрация майдонлари, аэродромлар, ипподромлар ва ҳ.к.) ҳудудларни лойиҳалаштиришда-100-200м. маҳалла ёки тумanning вертикал режаси схемасини ишлаб чиқишда профиллар сеткаси кўча ўқи бўйича бўлинади.

Табиий ва лойиҳавий рельеф профилларда сиртнинг кесими, табиий (қора), лойиҳавий (қизил) ва ишчи белгилар (тукма ва олинган жойларнинг чуқурлиги) ва майдонларда лойиҳавий нишабликлар кўринишида ифодаланади.



Профиллар усулида вертикал режалаштиришнинг хусусий ҳоли сифатида Қишлоқ кўча ва йўллари ҳисобланади. Бунда бўйлама профил кўчанинг ўқидан утиб, кундаланг профиллар ҳар бир пикетда бажарилади.

Профиллар усулини амалда қўллаш кўп меҳнат талаб қилиб, узун масофада бир вақтнинг ўзида жуда кўп профиллар лойиҳаланади. Асосий мураккаблик профиллар кесишмаси нуқтасида лойиҳавий белгиларни боғлашдир. Қушни профиллар бўйича қияликларнинг туғри келмаслиги, сиртнинг мўлжалланаётган ёки берилган шаклидан ўзоқлашиш, ҳар доим туғрилаш қийин кечадиган ва баъзи ҳолатларда лойиҳани қайтадан бажаришни талаб қилади.

Ер ишларининг ҳажми ва лойиҳанинг мос равишдаги техникисодий кўрсаткичи фақатгина лойиҳа ишлари тугагандан сўнг маълум бўлади. Ер ишларининг қониқарсиз баланси кўпгина ёки барча профиллар белгиларининг ва қияликларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Профиллар усулини қулланиш соҳалари бўлиб, қурилиш кўзда тутилмаган катта майдонларни режалаштириш ҳамда рельеф сиртини ҳар бир элементи бўйича батафсил режалаштиришсиз, умумий принципиал ечимини ишлаб чиқиш босқичида қулланилади.

Лойиҳавий-режалаштириш амалиётида вертикал режалаштиришни лойиҳалашда сеткалар бўйича профилларсиз бир қанча соддалаштирилган усуллари қулланилади. Бу ҳолда лойиҳавий белгилар ва қияликлар ҳудуднинг режаси бўйича аниқланади. Бундай лойиҳалаш, одатда ер ишлари ҳажмини ҳисобга олмайди. Бу усулда вертикал режалаштириш фақатгина рельефнинг тақрибий ечимини беради. Бу эса Қишлоқ бош режаси бўйича ва Қишлоқ туманини батафсил лойиҳаси бўйича режалаш ва қуришда вертикал режалаш схемаларини лойиҳалашда лойиҳавий-режалаш ишларида аҳамиятлидир.

3.3. Лойиҳавий (қизил) горизонталлар усули.

Пўлат дархон маҳалласини лойиҳавий (қизил) горизонталлар усулида лойиҳалаганда рельефни янги, қизил горизонталлар деб аталувчи чизиқларда акс эттиришдир.

Лойиҳалаш жараёнида ер сиртига рухсат этилган нишабликлар бериш билан рельефнинг янги шакли яратилади.

Лойиҳаланаётган рельефни қизил горизонталларда акс эттириш ҳудуднинг бўлажак рельефини осон тасаввур қилишга имкон беради.

Лойиҳавий горизонталлар усули- майдон тарҳи билан вертикал режалаш лойиҳасини битта чизмада кўрсатиш имкониятини беради, яъни, кўп сонли профилларни тузиш ва лойиҳалашга ўрин қолмайди.

Пўлат дархон маҳалласи биноларини, иншоотларини ва бошқа қурилиш элементларини, муҳандислик қурилмалари ва ҳудудни

ободонлаштириш ҳолатларини ва вертикал режалаштириш лойиҳаларининг биргаликдаги тарҳи қишлоқ ҳудудини ўзлаштириш, режалаштириш ва қуриш масалаларини комплекс равишда ечади.

Қишлоқсозлик амалиётида лойиҳавий горизонталлар усули кенг қулланилмоқда, жумладан, қишлоқ кўчаларини лойиҳалашда, тураржой гуруҳлари ва микрорайон ҳудудларини лойиҳалашда, қишлоқнинг рельефи мураккаб бўлган жойларида муҳандислик тайёргарлиги ишларида.

Пўлат дархон маҳалласи рельефини лойиҳалашдан мақсад, қурилаётган ҳудуд тарҳида ҳудудни ўзлаштириш талабларига жавоб берадиган рельефни яратиш учун унда қизил горизонталлар ўтказишдир.

Сатҳи кўтарилган майдонларда ташқи сувни қочириш ва бу майдонларни қуриштириш ишлари осон кечади. Кўкаламзорлаштирилган майдонларда ер сатҳини сунъий кўтариш ва бу майдонларни зарурий нишабликлар билан таъминлаш ташқи сувларни қочиришда қўл келади.

Сунъий равишда яратилган рельеф микрорайоннинг яшил ҳудудлари ландшафтини режалаштиришга ёрдам беради.

Биноларни жойлаштиришда ва қатнов қисмларини ўтказишда квартал ва микрорайонларни эркин режалаштириш вертикал режалаш ишларини осонлаштиради.

Шундай қилиб, қурилишни эркин режалаштиришда вертикал режалаштириш маълум бир жойлар учун амалга оширилади, яъни бинолар қуриладиган майдонларда, спорт ва бошқа турдаги майдонларда, қатнов қисмлари ва автомобилларга ажратилган майдонларда.

Режалаштирилаётган майдонда ер сиртининг лойиҳавий рельефини яратиш бўйича вертикал лойиҳалашнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, улардан энг кўп қулланиладиган тури, бу конвертсимон, яъни сувни тўрт томонга оқизишдир. Бундан ташқари, икки томонлама ва бир томонлама сув қочириш турлари мавжуд.


Одатда, майдони унчалик катта бўлмаган тураржой гуруҳларида ташқи сувларни қочириш очик сув қочириш тизими орқали амалга

оширилади. Маҳаллаларда эса майдоннинг катталигидан келиб чиққан ҳолда, кучли ёмғир пайтларида ариқларда тирбандлик вужудга келмаслиги учун ер ости сув қочиргич тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ер ости сув қочиргичи нафақат ташқи сувларни қочиришни ташкил этиш тизими учун, балки, замонавий микрорайонларни ободонлаштириш элементи ҳамдир.

Пўлат дархон маҳалласи майдонларини режалаштиришда нафақат вертикал лойиҳа шартларини, шу билан бирга паст-баландликларнинг ташқи эстетик кўринишига, бундан ташқари, биноларнинг рельефда баландликларига ҳам аҳамият бериш лозим.

Биноларнинг бурчаклари ва кириш қисмлари бўйича баландлик белгиларининг лойиҳаси ички қатнов қисми ариқларининг баландлик белгиларига нисбатан, ташқи сувларнинг бинолардан ариқларга қараб оқишини таъминлаган ҳолда амалга оширилади.



Қизил горизонталлар усули бўйича тикка лойиҳалаш.

а-майдон бўйлаб; б-кўча бўйлаб; 1-мавжуд горизонталлар; 2-лоийҳаланаётган горизонталлар; 3-тиргак девор; 4-табиий сатҳ; 5-лоийҳа сатҳи.

3.4. Лойиҳа горизонтал усули

Пўлат дархон маҳалласини лойиҳа горизонтал усули бўйича тикка режалашни олиб бориш маҳалла ҳудудлари, кўкаламзор майдонлар ва

транспорт йўллари лойиҳалашда қўл келади. Бу усулнинг қулайлиги шундан иборатки, унда шаклланадиган рельеф белгисини лойиҳа ёки қизил горизонталлар орқали белгилаш имкони бор. “+” белгиси билан тўқилма тупроқлар белгиси аниқланади. Қирқиладиган ёки қовланадиган тупроқ белгиси “-” белгиси билан белгиланади.

Кўчанинг қисмларида лойиҳа горизонталлари доимий лойиҳа қиялиги i кетма-кетликда белгиланади. Дастлаб ℓ_1 қиймати қабул қилинган лойиҳа қиялиги i бўйича аниқланади. Бунинг учун қуйидаги муносабатдан фойдаланамиз.

$$\ell_1 = \Delta h / i$$

Бу ерда Δh – лойиҳаланаётган рельефнинг кесим юзаси ўлчами, м.

Олинган ℓ_1 нинг қиймати кўча ўқининг А нуқтаси белгиси бўйича сурилиб қўйилади. Шунда x_1 нуқтаси кўча ўқи бўйича ўзининг ҳақиқий ҳолатига эга бўлади. Шундан сўнг кўчанинг лоток белгисини аниқлайдиган горизонтал ҳолати аниқланлади. Кўчанинг кўндаланг кесими бўйича қиялигини ва йўлнинг энини инобатга олиб, қуйидаги муносабат аниқланади

$$\ell_2 = i_1 d_1 / 2$$

Бу ерда d_1 – кўча қатнов қисмининг эни, м; i_1 – кўндаланг қиялик.

расмнинг юқори қисмида белгиланишича лоток чизиғи бўйлаб белгиланадан горизонталнинг x_2 белгиси ℓ_2 қиймати бўйича сурилади.

Пиёдалар қатнов қисмидаги горизонтал эса олдиндан аниқланган x_3 қиймати бўйича белгиланади. Шунда уни бўлама қиялик бўйича суриб, ℓ_3 ҳисобланилади

$$\ell_3 = h / i$$

Бу ерда h – бордюр тошининг баландлиги, м; i – йўлнинг бўйлама қиялиги.

ℓ_4 ни аниқлаш билан пиёдалар қатнов қисмининг юқори чегарасини x_4 нуқта белгилайди

$$\ell_4 = d_2 i_2 / i$$

Бу ерда d_2 – пиёдалар қатнов қисмининг эни, м; i_2 – пиёдалар қатнов қисмининг кўндаланг қиялиги.

Ушбу бажарилган ишлардан кўриниб турибдики, тикка режалаштиришнинг мазкур усулини амалга оширишда турли жадвал, шакллар ва номограммалардан фойдаланиш талаб қилинганлиги сабабли мураккаб усул ҳисобаланилади. *Қизил горизонтал* усулининг хусусияти шундан иборатки, унда аввалдан сақланиб қолинган бино ва иншоотларни лойиҳаланаётган бино ва иншоотлар билан боғлаш имкони бор. Бунинг мисоли тариқисида ўз ечимини топади. Ушбу лойиҳа 1:500 масштабда лойиҳаланган бўлиб, лойиҳада рельефнинг оралик белгилар 0,1м ҳолатида кўрсатилган. Бунда лойиҳа горизонталларини куриш кўча ва йўлаклар белгиларидан бошланади. Шундан сўнг куриладиган бино ва иншоотларнинг лойиҳа белгилари аниқланади.

Қизил горизонталлар усули бўйича лойиҳаланаётган режанинг ўзида рельефнинг кўринишлари бевосита уни қаноатлантирувчи нишабликлар билан ҳосил қилинади. Лойиҳаланаётган рельефнинг қизил горизонталларда тасвирланиши келажакда ҳосил қилинадиган рельефни тез ва осон пайқаб олиш имконини яратади.

Қизил горизонталлар усули бош режа билан тикка режалаштириш лойиҳасини бир чизманинг ўзида акс эттириш имконини беради. Бунда иморатлар ва иншоотлар, муҳандислик тадбирлари, ободончилик, тик режаларнинг ҳаммасини бир чизмада тасвирлаш, курилишдаги кўплаб масалаларни самарали ва мажмуавий ечиш имконияти пайдо бўлади.

Бу усул Қишлоқсозликда кўча ва майдонларни, даҳаларни, мураккаб рельефли муҳандислик тадбирларини бажаришда кенг қўлланилади. Рельефни қизил горизонталларда тасвирлаш лойиҳалашнинг оддий қоидаси ҳисобланади. Яъни бир чизмада қабул қилинган горизонталлар кесиш баландлиги ўзгармаслиги ва горизонталлар ўзгармаслиги шарти бажарилади. Одатда кесув баландлиги 0,1; 0,2; 0,25; 0,5м дан қилиб қабул қилинади ва бир чизмада танланган баландлик ўзгартирилмайди. Тикка режа лойиҳасида бутун горизонталлар яққол кўриниши учун қалинроқ қилиб чизилади.

Рельеф яхши “ўқилиши” учун горизонталлар ораси жуда зич ёки сийрак бўлмаслиги керак. Бу қизил горизонталларининг тегишли кесиш баландлигини танлаш йўли билан бажарилади.

Тавсия қилинадиган қизил горизонталлар кесишиш баландлиги

Ер сатҳининг нишаби, %	Рельефнинг тавсия қилинган кесишиш баландлиги, м		
	М 1:500	М 1:1000	М 1:2000
5 гача	0,1	0,1	0,2-(0,25)
5-10	0,1	0,20-0,25	0,2-(0,25)
10-15	0,1-0,20	0,20-0,15	0,5
15-30	0,2-0,25	0,20-0,25	0,5
30 дан катта	0,2-0,25	0,2-0,25 (0,5)	0,5

Пўлат дархон маҳалласи горизонталлари орасида рельеф кесмаси режада бир хил бўлгани учун улар орасидаги масофа лойиҳа нишаблигини билдиради. Уларнинг асосий хоссалари қуйидагилардан иборат: -бир горизонталда ётган ҳамма нуқталар бир хил баландлик ва аҳамиятга эга; -бир хил нишабликнинг белгиси, горизонталлар орасидаги масофанинг доимийлигини билдиради.

3.5. Бинолар атрофларини тикка режалаштириш

Пўлат дархон маҳалласи биноларни лойиҳалашда уларнинг пойдевор бурчакларидаги лойиҳа белгисининг баландлиги фарқини камайтириш талаб этилади. Табиий рельеф нишаблиги кўпчилик ҳолларда бинонинг меъморий, ҳажмий, қуёш тушиши, жойни шамоллатиш ёки шамолдан ҳимоя қилиш каби талабларини қаноатлантира олмайди. Шунинг учун ҳам турдош биноларни узун томони билан нишаблик бўйлаб жойлаштириш 2 хил усул билан амалга оширилади. Биринчи ҳолда табиий рельеф ўзгартирилмайди, бинонинг бурчакларидаги фарқ баландлиги ўзгарувчан “цокол” ҳисобидан амалга оширилади. Бунда тупроқ ишларининг ҳажми минимал бўлади. Аммо

турдош бинонинг пойдеворини қайтадан ҳисоблашга тўғри келади, бу эса қурилишнинг 2-8% қимматлашишига сабабчи бўлади. Иккинчи ҳолатда рельефни суриб, бино учун майдон тайёрланади. Унда ҳам йўл қўйиладиган энг катта нишаблик қўйидагича топилади:

$$i_{\max} = \frac{B_{\max} - B_{\min}}{L_{\delta}} \cdot 100\%$$

бу ерда $i_{\max}$ - йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал нишаблик, %;

$B_{\max}$ ва $B_{\min}$ “пол”нинг ердан максимал ва минимал кўтарилиши (2.24-расм).

$$B_{\max} = 1,51,7\text{м.} \quad B_{\min} = 0,5 \div 0,8\text{м.}$$

Бинонинг узунлиги майдонча қазилиш ёки кўмилиш ҳисобидан қўйидагича топилади:

$$\ell = (h_k + h_q - bi)/(i_T - i_C); \quad \ell = b_{\max, \min} / (i_T - i_C);$$

бу ерда: i_T -табiiй нишаблик; i_C -сурилгандан кейинги нишаблик.

Агар майдонда тупроқни суриб қўйиш ҳисобидан бажарилса, унда

$$L_{\delta} = (b_{\max} + b_{\min} - \ell i_k) / (i_T - i_C);$$

бу ерда: b -бинонинг эни, м; ℓ_k -бинонинг кўндаланг нишаблиги; ℓ - бинонинг узунлиги, м; $b_{\max} - b_{\min} \leq 1/2\text{м.}$

Пўлат дархон маҳалласи ҳудудини ҳамма жойидан ернинг юза қисмидаги ёмғир ва қор сувларини ҳудудидан ташқарига чиқариш ишлари олиб борилади ва шунинг учун қишлоқларда очик ва ёпиқ сув системаси қўлланилади. Бу ариқлар ёки қувурлар орқали мўлжалланган сувни Қишлоқ ҳудудидан ташқарига ёки сувларни тозалаш иншоотига олиб бориб қўйилади.

Пўлат дархон маҳалласи ерининг юза қисмидаги нуқта белгисини шундай режалаштириш керакки, ернинг юза қисмини табiiй ҳолда ўсимликларни ва ўсимлик ўсадиган тупроқ қатламини сақлаб қолишга катта эътибор бериш керак.

Тупроқни тенг тақсимлашни ва тупроқ ишлари, ҳажми кам бўлишини инобатга олиб, режаланаётган ҳудуднинг нуқта белгисини аниқлаймиз.

Маҳалла ҳудудларини режалаштириш иши, асосий мақсад бўлиб қолиши керак эмас.

Маҳалла қурилишида фойдали бўлган кам ҳажмда тупроқ ишлари ва табиий ер юзига кам ўзгартиришлар киритишга ҳаракат қилиш керак.

Тикка режалаштиришнинг фойдали иш қобилиятини қуйидаги техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан аниқланади: Лойиҳа ишидан катта фойда бўлиши мумкин, агарда кам ҳажмли тупроқ ишлари бўлса; Тупроқни қозиш ва тупроқ тўлиш ҳажми бир хил бўлса ва машина билан тупроқни бошқа жойга олиб бориш ва олиб келиш ишлари бўлмаса; Участкадан-участкага тупроқ алмашишда (тупроқни машина ёрдамида олиб кетиш ва олиб кетишда) масофани ҳар тарафлама қисқартириш.

Тикка режалаштириш лойиҳалашнинг асосий усуллари қуйидагилардир: Нуқта белгиси усули, қизил горизонталлар усули ва ён томондан кўриниш лойиҳа усули.

Пўлат дархон маҳалласини тикка режалаштиришда юқоридаги усуллардан бирига асосланган ҳолда лойиҳа бажарилган. Бу лойиҳа бажарилишида қизил горизонталлар усули қўл келган. Бу усул қулай ва маҳаллага мос келган.

ПЎЛАТ ДАРХОН МАХАЛЛАСИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА МУҲАНДИСЛИК ТАРМОҚЛАРИ ХИСОБИ

4.1.Кўкаламзорлаштириш тартиби

Пўлат дархон маҳалласини кўкаламзорлаштириш тартиби ҳар хил вазифаларни бажарувчи майдонларга бўлинади. Булар ичида қуйидагилар энг керакли ҳисобланади: биринчи ҳамма фойдаланадиган ўсимликлар киради, яъни қишлоқ ичидаги ва қишлоқ ташқарисидаги боғлар, дарахтзорлар, хиёбонлар ва кўча атрофида экилган дарахтлар киради; иккинчи гуруҳга маълум кишилар фойдаланадиган ўсимликлар киради, яъни биринчи гуруҳ ўсимликларга нисбатан бутун қишлоқ аҳолиси фойдалана олмайди, яъни мактаб ҳовлисидаги, ўқув юртлари ҳовлисидаги касалхона, боғча, клуб, маҳалла ҳудудидаги ўсимликларни ўз ичига олади ва учунчи гуруҳга махсус вазифани бажарувчи ўсимликлар киради, яъни турар-жой доираси билан саноат корхоналари оралиғидаги «ҳимоя йўлаги»дан ўсимликлар шомол эсишдан қум ва қор кўчишидан сувни тоза сақлаш учун экилган дарахтлар киради.

Пўлат дархон маҳалласини кўкаламзорлаштириш тартиби қуйидаги меъёрдан фойдаланилади

жадвал

№	Ўсимликлар босқичлари	Қишлоқ 1 кишига 1м ² мўлжалланган меъёри		
		Энг катта	Ўртача	Кичик
I-гуруҳ				
1	Қишлоқ миқёсидаги истироҳат боғи	8	5	-
2	Маҳаллалар кўкаламзор майдони	5	5	5
3	Кўчалар яшил майдонлари	5	4	3
Жами фойдаланиладиган ўсимликлар		18	14	8
II-гуруҳ				
1	Стадион майдонларида	2,6	2,6	2,8
2	Боғча ховлисида	1,2	1,2	1,2

3	Яслилар ховлисида	0,75	0,75	0,75
4	Мактаб ховлисида	3,3	3,3	3,3
5	Соғлиқни сақлаш, касалхоналарда	1,24	1,24	1,24
6	Маданий маиший бинолар ховлисида	0,79	0,79	0,79
7	Ишлаб чиқариш корхоналарида	8	8	8
	Жами фойдаланилган ўсимликлар			
	III-гурух			
8	Тозаликни химоя қилувчи “химоя йўлаги”	7	7	7
9	Қабристон майдонлари	0,77	0,77	0,77
10	Қишлоқда ҳар-хил вазифани бажарувчи ўсимликлар	5	5	5
	Жами махсус экилган ўсимликлар сони	12,77	12,77	12,77

Пўлат дархон маҳалласи Самарқанд вилоятида жойлашган. Табиати ўсимликларга бой. Бу ерда боғлар сақланиб келинмокда. Пўлат дархон маҳалласи лойхаланаётган ҳудуд боғларга тутшиб кетган. Лойихаланган қишлоқдаги ҳар бир оила уз ховлисига эга.

Пўлат дархон маҳалласидаги дарахт ва буталар сояси инсонни куёш нуридан сақлайди ва кислородга тўйинтиради. маҳаллани кукаламзорлаштиришда юқоридагилар эътиборга олинди.

Дарахтларнинг яна бир узига хос хусусияти, улар шамолга қарши энг ишончли химоя воситасидир. Қишлоқда доимо шамол эсиб туради. Шамолнинг йўналиши жанубий ғарбдан, шимолий шаркка томон йуналган. Шамол йўлини тузиш мақсадида қишлоқ ҳудудининг атрофига қатор-қатор қилиб чинор, кайроғоч дарахтлари ўтқазилган.

Пўлат дархон маҳалласини кўкаламзорлаштириш бўйича ишлар ҳажми қуйидаги жадвалда кўрсатилган

№	Кўкалам зорлаштириш тури	Бош муддатда қурилиш лозим бўлган ховлилар номланиши			Умумий фойда ланувчи яшил майдон	Биринчи навбатдаги қурилиш	
		Ўлчов бирлиги	Кўча ва майдон	Жамоат бинолари ховлилари		Кўча ва майдонлар	Жамоат бинолари ховлилари
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Дарахт ўтқозиш	Дона/м ³	$\frac{6000}{1620}$	6930	3969	$\frac{684}{185}$	324

2	Кустарниклар ўтказиш	Дона/м ³	$\frac{10000}{1000}$	11550	6160	$\frac{1140}{114}$	540
---	----------------------	---------------------	----------------------	-------	------	--------------------	-----

4.2. Ўсимликлар ва ҳавонинг ифлосланиши.

Республикада ва хорижда ўтказиладиган тадқиқотлар ҳавонинг электрик ҳолатининг муҳим гигиеник аҳамиятини кўрсатади. Ўсимликлар ажратадиган органик моддалар ҳавонинг ионланишига катта таъсир кўрсатади: инсон саломатлиги учун энг қулай бўлган манфий ионларнинг концентрацияси ортади. Иқлимнинг фойдалилик даражаси одатда организмнинг химиявий кучларини оширишга қодир бўлган ҳаводаги манфий ионларнинг миқдори билан белгиланади.

Ҳавонинг энг яхши ионланиши одатда ўрмонда, дарахтларнинг шох-барглари тўшамаси остида, Қишлоқдаги боғ ва паркларда, айниқса аралаш баргли (1 см² ҳавода 1283 та энгил ион) ва қарағай баргли ўсимликларда (1см³ да 1166 энгил ион) кузатилади. Атмосферанинг ионлар билан тўйинганлиги даражаси жинсларнинг фақат дендрологик таркибинигина эмас, балки кўк ўсимликларнинг ёшига ҳам боғлиқ. Ёш ўсимликларда энгил ионлар концентрацияси эски ўсимликлардагига қараганда юқоридир. Ҳавонинг ионланишни ошириш учун ёғоч ва гули ўсимликлар ажратадиган смолали ва ҳидли ўсимликлар катта аҳамиятга эга. Гулзорлардаги ионланиш қарағай-баргли ўсимликлардагига қараганда ўртача 60% юқори ҳавонинг ионланишига оқ қайин, оддий қарағай, қайин, сибирь систвентица, оддийсирень, америка заранги, биота, ғарб туяси, эман, майда баргли липа; гулдилардан - герань, олгандр, энг қулай таъсир кўрсатади. Манфий ионлар сони ҳавонинг температураси, тупроқнинг, ёритилганлигига тўғридан тўғри боғланишда бўлади, нисбий намлик ва шамол тезлигига тескари боғланишда бўлади. Ўрмон ўсимликларида шамол тезлигининг камайиши, ўрмон ўсимликларидаги шамол тезлигининг камайиши уларда ионлашган ҳавони тутиб туриш имконини беради.

Бундан, қишлоқларда ва ишчи қишлоқларда кўк ўсимликлар ҳаводаги ион баланси - қўллаб қувватлашда қандай аҳамиятга эга бўлиши кўринади.

Шунинг учун ҳозир бу масалани ўрганиш ҳалқаро биоклиматогларнинг ва биомесороглар жамиятининг тадқиқотлар дастурига киритилгани бежиз эмас.

4.3.Шовқинга қарши курашишда ўсимликларнинг аҳамияти.

Пўлат дархон маҳалласида транспорт воситалари ва саноат корхоналарининг ишлаши туфайли вужудга келадиган маҳалла шовқини инсонлар саломатлигига катта зарар келтиради. Маҳалладаги шовқин коммунал- маиший ва ишлаб чиқариш характеридаги шовқинлар йиғиндисидан ташкил топади, шунингдек транспорт ҳаракатида юзага келадиган шовқинлар бўлиб, улар инсонга доим таъсир қилади. Ката Қишлоқларда уларнинг интенсивлиги йиладан - йилга ортиб бормоқда. Баланс ва узоқ давом этган шовқин асаб тизимини хавсизлантиради, у одамни асабий ва сержахл қилади. Шовқин таъсирида пульс ва нафасолиш тезлашади, қон босими ортади. Катта маҳаллаларда у инсон умрини бир неча йил қисқартириши мумкин. Санитария меъёрига кўра йиғинди шовқин 40 децибелга тенг. Кейинги 30 йил мобайнида маҳаллалардаги шовқин меъёридан икки ва ундан ортиқ марта ошиб кетди.

Пўлат дархон маҳалласида шовқинга қарши курашишда вертикал бирлашган дарахтлар қаторлари самарали бўлиб, улар ҳимояланаётган объектига нисбатан тўғри жойлашиши лозим. Баргли дарахт турлари 25% шовқинни ютади ва 75% шовқинни қайтаради. Дарахтлар товуш тўлқилари йўлларини тўсади, шунинг учун интенсив ҳаракатли кўча ўқи бўйича жойлашган ҳиёбон кўча ёқасидаги турар жойларни фақат шовқиндагина ҳимоялаб қолмасдан, балки, агар қатнов йўлидан дарахтлар қатори билан тўсилмаган бўлса, аксинча, уйлардаги шовқинни кучайтиради. Шовқинни пасайтирувчи минтақанинг кенглиги 10м дан кам бўлмаслиги лозим ва бир неча зич қаторлардан ташкил топиши керак.

ПУЛАТ ДАРХОН МАХАЛЛАСИНИ МУҲАНДИСЛИК ТАРМОҚЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

5.1. Сув манбаи ва сув таъминоти

Пулат дархон маҳалласини сугориш тармоғи

Пулат дархон маҳалласида таксимловчи регулятор оркали сув куча ариқларига ва улар оркали ҳовлиларга берилади.

Ҳовлилар ҳисобидан сугориш тармоғи қуйидаги майдонларни сугориш учун ишлатилади:

1. Яшил майдонларни сугориш
2. Турар жой ва жамоат бинолари ҳовлиларини сугориш
3. Куча атрофидаги майдонларни сугориш
4. Хужалик учун
1. Сув хавзаларини тулдириш учун

Талаб қилинган, сугориш учун сарф бўладиган сув миқдори, сугориладиган майдон юзасига ва сугориш меъёрига ҳисобланади:

1. Жамоат ва турар-жой бинолари ҳовлилар учун – 50%
2. Умумий фойдаланилувчи яшил майдонлар учун -100%
3. Кўча ва майдонларни сугориш учун -25%
4. Хўжалик учун -5%
5. Ишлаб чиқариш доираси учун -25%
6. Умумий сугориладиган майдон – 101,87 га

Ариқлар кучалардан утиш жойларида ва чорраҳаларда темир-бетон қувурлар орқалиари йўлакчалари остида эса асбестцемент қувурлар билан туташтирилган.

Пулат дархон маҳалласи учун талаб қилинган сув сарфи

1. Жамоат ва турар-жой бинолари ҳовлилари, яшил майдонлари сугориш учун сарф бўладиган сув қуйидаги формула оркали ҳисобланади.

$$Q_{ар} = \frac{N_{сф.} \cdot J}{k}; \text{ л/сек}$$

$Q_{ар}$ - Сув сарфи л/сек

$N_{ар}$ - Суғориладиган майдон, га

J-Сугориш гидромодули = 0,65 м/сек

K-Тармокнинг фойдали иш коэффициенти = 0,8

2. Куча ва майдонларни сугориш $Q=q \times w$

Q Сув сарфи.

q Суғориладиган майдон.

w Куча учун сугориш модули 1 м майдон учун суткасига 4 л/сек.

Пўлат дархон маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.

Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги қишлоқнинг ичимлик суви билан ва чиқинди сувларни ташлаш лойиҳаси куйдагилардан иборат. Аввалдан мавжуд бўлган қудуқ ва ичимлик суви тармоқлари лойиҳаланаётган қишлоқ талабларини қондира олмайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда янги ичимлик суви тармоқлари лойиҳаси бажарилиши керак.

Пўлат дархон маҳалласи бош режасини, уни келгусида ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, куйдаги ечим қабул қилинди:

Пўлат дархон маҳалласини шимолий-гарбида алоҳида қудуқлар қозиш, сув йиғиш иншооти урнатиш.

Санитар-химоя доирасини яратиш, сув билан таъминлаш иншоотини қуриш ва сув тармоқларини утказиш ишлари кузда тутилган.

Талаб қилинган ичимлик суви меъёри ва сув сарфи ҳисоби.

Сувга булган эҳтиёж куйдагилардан иборат.

-қундалик эҳтиёж учун, ишлаб чиқаришга, ёнгинга қарши гидрантлар учун керак булган сув сарфи СНиП оракали лойиҳалаштирилган.

Пўлат дархон маҳалласида ўт учиретиш учун сув сарфи қишлоқ учун ташки ут учиретиш автомобиллар ёрдамида бажарилади. Ёнгинга қарши гидрантлар сув қудуқларига урнатилади. Ташқаридан ёнгини учиретиш учун 10 л/сек сув сарфи талаб қилинади. Ёнгин сони 1 марта паст босимли тармоққа уланган.

№	Номланиши	Улчов бирлиги	айланаси	I- навбатда	II- навбатда
1	2	3	4	5	6
1.	65 метр чуқурликдаги кудук жихози билан	дона	-	3	-
2.	ЭЛБЮ-63-65 22 КВТ кувватга эга булган насос станцияси	дона	-	4	-
3.	20 метр узунликдаги тиндиргич	дона	-	3	-
4.	Кудук устига урнатилган на сос ва бактериологик тоза лаш ускунаси т.п. 901-2-46	дона	-	3	-
5.	50 м сигимли сув босими хо сил килиш учун урнатилган башня т.п 001-21-46	Дона	-	1	-
6.	Режа асосидаги 60х60 кенг ликдаги куриккланадиган са нитар доираси кукаламзор лаштириш билан биргалик да, атрофи тусилган 2,5 м ба ландликда	Га	-	0,36	-
7.	Коровулхона 6,0х4,5м	дона	-	1	-
8.	Сув утказиш кувури чуяндан диаметри 100мм.	П.м	100	10600	2040
9.	50 ммли сув утказиш кувури, чуяндан	П.м	50	2070	11730

Электр тармоқлари

№	Номланиши	Улчов бирлиги	Микдори
1.	2	3	4
1.	Истеъмолчилар талаб килган кувват	КВТ	2705,56
2.	Электр токининг энинг куп сарф булиши: а)кундузги б)кечки	КВА -----	858,79 1522,9
3.	Трансформатор куввати	КВА	1504,13
4.	Подстанция сони	дона	8
5.	Урнатилган трансформаторлар сони ва куввати	Дона/КВА	8/2120
6.	Кувват коэффиценти: а)кундузги б)кечки		0,85 0,93
7.	Тармокнинг кучланиши: юкори куйи	кв кв	10 0,4
8.	Юкори зурикишнинг ишлатилмаган йиллик соатлар сони	соат	3000

5.2.Электр тармоқлари манбаи ва электр тармоқлари схемаси

Пўлат дархон маҳалласини электр тармоқлари манбаи ва электр тармоқлари схемаси қишлоқ электр тармоқлари 35/10-квт кучланишига мулжалланган. Лойихаланган электр истеъмолчилари электр таъминоти бўйича III-категорияли, маданий маиший бинолар учун 2 категориялидир. 2 категорияли электр истеъмолчилари учун ҳаво линиялари икки марта маҳкамланган утказгичлар ёрдамида лойихаланади. 3 категорияли ҳаво линиялари 380/220 В кучланиш учун ишлатилади. Қишлоқни бутунлай объектлари учун ЛЭП-10 кв юкори кучланишли электр линияси оркали берилади.

Хисобий нагрузка 0,4 кв трансформаторлар подстанция учун.

$$P_y = 733,75 \text{ кВт}$$

$$S_{\text{max кун}} = 56,12 + 35,4 + 3,3 = 94,82 \text{ КВА}$$

$$S_{\max \text{ кеч}} = 186,7 + 67,6 + 3,3 + 11,25 = 268,85 \text{ КВА}$$

КТПП-В 630-2 турдаги трансформатор подстанцияси қабул қилинди қуввати 400 КВА.

1.	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Т II-2 Турар жой бинолари	147	517,8	155,24	0,4	517,8	0,4	62,13	207,12
2	50 уринли болалар боғчаси	1	35,6	21,4	0,85	14,27	0,85	36,38	24,25
3	140 уринли болалар боғчаси	1	35,6	21,4		14,27			
4	Ташқарини ёритиш	75	11,25			11,25	1		11,25
	Жами:		600,25	98,14		557,79		98,51	242,65

Электр нагзузқалари ҳисоби 0,4 қв.ли кичик станциялар учун ва трансформатор қувватини танлаш

№	Номлани ши	миқдори	Қўйилган қувват кВт	Эл. юқори нагзузқа КВА				Ҳисобий кВА нагзузқа	
				Қундузги	К-о	кечки	К-о	қундуз ги	кечк и
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
ТII – I									
1	Турар жой бинолари	159	535,5	160,65	0,35	535,12	0,35	56,12	186,7
2	Ташқарини ёритиш	75	11,25	-		11,25	1		11,25
	ЖАМИ:	234	546,75	160,65	0,35	546,37	1,35	56,12	197,9 5

Ҳисобий нагзузқа 0,4 қв.ли трансформатор станциясида:

$$P_y = 600,25 \text{ кВт} \quad S_{\max \text{ қун}} = 62,13 + 24,2 = 86,33 \text{ кВа}$$

$$S_{\max \text{ кеч}} = 207,12 + 15,7 + 11,25 = 234,07 \text{ кВа}$$

КТПП - В - 630-2 Трансформатор подстанциясини 250 кВа қувватга эга трансформатор билан қабул қиламиз.

Трансформатор подстанцияларини танлаш

Трансформаторларнинг жойлашган ўрни ва сони истеъмолчиларнинг талаб қилган электр энергиясига, уларга тарқатувчи тармоқнинг қулайлигига боғлиқ. Подстанциялар алоҳида ва комплект ҳолда қабул қилинган КТПП, КТП.

ЛЭП 10 кВ линияси учун конструктив маълумотнома

Ҳаво орқали ўтувчи ЛЭП 10 кВ линияси таянчлари ёғочдан 3-407-49 га асосланиб қабул қилинган. ЛЭП – 10кВ линияси 3 фазали ва яланғоч ўтказгичдан иборат. Ўтказгич токни яхши ўтказишга ва кучланишни йўқотишга текширилган.

Паст вольтли ҳаво орқали ўтувчи тармоқ

380\220 вольтли электр тармоқлари трансформатордан керакли бўлган истеъмолчилар ўртасидан ўтган бўлиб, талаб қилинган қувватни ҳаво орқали ўтувчи линия алюминийли ўтказгичлардан А-16÷А-50 маркада ёғоч таянчларга осилган ҳолда лойиҳаланган.

Ташқи ёритиш ускуналари

Ташқарини ёритиш учун ёғоч таянчларга осилган цоколь лампаларидан фойдаланилади. Бу лампалар паст вольтли таянчларга ўрнатилади. Асосий кўчаларни ёритиш, парк, мактаб, болалар боғчаларини ва маъмурий биноларни ёритиш люминесцентли лампали ёритгичлар ёрдамида амалга оширилган.

Электр таъминоти бўйича ишлар ҳажми

жадвал

№	Номланиши	маркаси	Ўлчов бирлиги	Миқдори		
				ҳаммаси	Биринчи навбатда	Бош муддатда
				Яшаш ва маданий-маиший доира	Яшаш ва маданий-маиший доира	Ишлаб чиқариш доираси
1	2	3	4	5	6	7
1	10 кв ли ҳаво линиясини тортиш	-	Км	10,6	5,0	0,7
2	0,4 кв ли ҳаво линиясини тортиш		Км	18,0	13,2	2,5
3	250 кВа қувватли трансформатор ва трансформатор подстанцияси	КТПП-В-630-2	Дона	4	3	1
4	160 кВа қувватли трансформатор ва трансформатор подстанцияси	КТП-160	Дона	2	2	19

5.3.Маҳалла ҳудудини ёритиш

Пўлат дархон маҳалласи кўчаларни ёритиш маҳалла ободончилиги муҳим тадбирларидан бири ҳисобланади. Равшан сунъий ёритиш, ёруғлик рекламалари, ҳар хил тоблolar, экранлар ва кўрсаткичлар, биноларни ёритиш ва фаввораларни ёритиш ҳам замонавий Қишлоқнинг тараққиёти натижасидир.

Шунга қарамай кўчалар ва майдонларни сунъий ёритишнинг муҳим вазифаси куннинг қоронғи пайтларида транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Турли хил кўрсаткичлар ва ёруғлик сигнализациялари ҳам ана шу мақсад учун хизмат қилади.

Пўлат дархон маҳалласида, маҳаллаларда ўтиш йўллари ва аҳоли юрадиган йўллар, кўп қаватли уйларга кириш жойлари, ҳамда болалар майдонлари, спорт майдонлари ва бошқалар ёритиб турилади.

Пўлат дархон маҳалласида бундан ташқари ташқи сунъий ёритиш, биноларни, ҳайкалларни, фаввораларни ёритиш, ёруғлик рекламалари кечки Қишлоқнинг маълум бир меъморий-бадий образини ташкил қилади, Қишлоқ кўчалари ва майдонларининг шунингдек, айрим бинолар ва иншоотларнинг фазовий тузилишини очиқ беришга ёрдам қилади, бунда сунъий ёритиш хитойлик талабаларга ҳам жавоб бериш керак: кундузги бу барча қурилмаларнинг ташқи кўринишига боғлиқ бўлса, кечқурун эса ёритиш ёрдамида вужудга келтириладиган маҳалла манзарасига боғлиқ бўлади. Маҳалла ҳудудлари иншоотларни қуриш ва фойдаланиш етарли даражада тежамли бўлиши керак.

Пўлат дархон маҳалласи ҳудуди кечқурун ва кечаси микротендаги тротуарлардан, пиёдалар ҳиёбонларидан, боғбон фойдаланувчи аҳоли учун қулай шароит яратиш мақсадида ёритилади. Шулар билан бир вақтда микрорайон ичидаги ўтиш йўллари бўйлаб автомобилларнинг ҳаракатланиш ҳавфсизлиги таъминланади. Пўлат дархон маҳалласи ичидаги ўтиш йўллари, тротуарлар, пиёдалар ҳиёбонларининг ёритилиш катта транспорт аҳамиятига эга бўлган кўчалар ва йўллар учун замонавий техник шароитлар билан қабул қилингани каби равшанлиги бўйича эмас, балки улар сиртининг горизонтал ёритилганлиги бўйича меъёрланади. Пўлат дархон маҳалласи уйлари гуруҳига, мактабларга, болалар боғчалари ва яслиларига, магазинларга, гаражларга олиб борадиган ўтиш йўллари, шунингдек, болалар боғчалари ва яслилар, мактаблар, магазинлар, ошхоналар ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ҳамда микрорайондан чиқиш учун олиб борадиган пиёдалар йўллари ва ҳиёбонлар ёритилади. Биноларнинг бевосита фасади бўйлаб жойлашган пиёдалар йўлаклари ва тротуарлар одатда бинога кираверишда ўрнатилган ёриткичлар билан ёритилади. Пўлат дархон маҳалласидаги боғларни тожга

Ўхшаш ёриткичлар билан ёритиш мақсадга мувофиқ, бунда фонарларни шундай жойлаштириш керакки, қоронғи тушганда ёриткичлар ёруғлиги боғча краверишда ва унинг асосий қисмларида катталар дам оладиган майдончаларда, болалар ўйнайдиган майдончаларда ва жисмоний машқлар бажариладиган майдончаларда яхши кўриниш имкониятларини яратсин. Пўлат дархон маҳалласи ёриткичларини жойлаштиришда шунга ҳам эътиборни қаратиш керакки, улардан тушаётган ёруғлик турар жойларнинг деразаларидан ичкарига тушиб аҳолини безовта қилмасин. Ўтиш йўллари бурилмаларида фонарлар (ёриткичлар) ўт ўчириш машиналарининг ўтиб кетишига ҳалал бермаслиги керак.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚИСМИ

6.1.Қурилишда меҳнат шароити муаммолари

Пўлат дархон маҳалласини хавфсизлик талаб ва қоидаларига риоя қилмасликка, санитария ва гигиена меъёрларининг, ҳамда меҳнат интизомининг бузилиши, иш жойлари, жароҳатланиши, захарланиш ва касб касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шикастланишга бахтсиз ҳолат дейилади. Бахтсиз ҳодисалар ишлаб чиқариш билан боғланган ва боғланмаган бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш билан боғланган ҳодисаларга қурувчининг иш жойида ёки шу корхона билан боғлиқ ишлар бажараётганда олган шикастланишлари киради.

Шикастланганлиги учун иш ҳақи фақат ишлаб чиқариш билан боғланган бахтсиз ҳодисаларгагина корхона ҳисобидан тўланади. Касб касалликлари деб, қурувчининг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган хасталиклар ва захарланишларга айтилади ва улар қониқарсиз иш шароитида вужудга келади.

Касб касалликлари, шомоллаш, жисмоний зўриқиш ва санитария талабларига зид шароитларда узоқ меҳнат қилиниши натижасида содир бўлса захарланиш қисқа вақт ичида тери, нафас олиш йўллари ва баъзан овқат ҳазм қилиш органлари орқали кириб қолган захарли моддалар таъсиридан вужудга келади.

Бахтсиз ҳодисанинг оғир енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб тўрт хил жавобгарлик чора тадбирлари белгиланган:

1. Маъмурий жавобгарлик
2. Жиноий жавобгарлик
3. Моддий жавобгарлик

Вазирликлар, бошқармалар ва саноат корхоналарида меҳнат қонуниятларининг аниқ бажарилишини олий ташкилот Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кузатиб боради. Прокуратура ташкилотлари қонунларнинг бузилмаслигини режа асосида меҳнаткашларнинг арзи ёки корхона ва айрим шахсларнинг маълумотлари асосида меҳнатни муҳофаза

қилиш талабларининг қандай бажарилаётганлигини текшириш йўли билан амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг махсус давлат назорат органларига қуйидагилар киради:

1. Саноатда хавфсиз иш олиб бориш ва тоғ ишлари хавфсизлиги техник давлат назорати
2. Давлат санитар назорати
3. Давлат энергетика назорати
4. Давлат ёнғин хавфсизлиги назорати
5. Табиатни муҳофаза қилиш давлат назорати
6. Сув ва сув манбаларининг тозаллигини ҳимоялаш давлат назорати
7. Жамоат назорати

Пўлат дархон маҳалласи қурилишида урилиш натижасида лат ейиш терининг кесилиши, суяк синиши ва чиқиши, инсон ҳаёти фаолияти бузилишига олиб келадиган бошқа чекланишлар жароҳатланишига мисол бўлади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши шароитида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, замонавий долзарб муаммолардан бирига айланади. Бунинг учун давлатимиз миллий хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлишини И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид” асарида чуқур таҳлил қилган.

6.2.Бахтсиз ҳодисаларни расмийлаштириш ва уларнинг сабабларини ўрганиш

Пўлат дархон маҳалласи қурилиши, ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳамма бахтсиз ҳодисалар касаба уюшмаси томонидан текширилиб тасдиқлангандан сўнг расмийлаштирилади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар корхона ҳудудида, ундан ташқарида, иш вақтида

ишлаш олдидан ёки ишдан кейин бўлишидан қатъий назар текширилиши зарур.

Бахтсиз ҳодиса натижасида агар ишчи бир ёки икки кун меҳнат қобилиятини йўқотган бўлса, воқеани аниқлаш лозим, лекин акт ёзиб расмийлаштириш шарт эмас. Қурилиш бошлиғи, хавфсизлик техникаси инженери ва жамоа инспектори қўл қўйган қайдномани тасдиқлаш учун бош муҳандисга тақдим қилади.

Расмийлаштирилган қайдноманинг бир нусхаси қурилишда қолади, иккинчи нусхаси касаба ташкилотига ва учинчи нусхаси соҳа Марказий касаба уюшмаси техник инспекторига берилади. Асосий нусхаси эса юқори қурилиш бошқармасига юборилади.

Бахтсиз ҳодисаларнинг текшириш материаллари юқори ташкилотларда ва касаба уюшмасининг ташкилотларида кўриб чиқилади. Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида корхона бош муҳандиси юқори ташкилотга ёзма ҳисобот беради. Марказий касаба қўмитаси инспектори раислигида, қурилиш ташкилотлари мутасадди муҳандислари, туман ички ишлар органидан вакил қуйи ва юқори қурилиш ташкилотлари хавфсизлик бўлимларидан вакиллар тиббиёт вакиллари ҳамда бошқарма бош муҳандиси ва қурилишда моддий жавобган муҳандислар иштирокида тафтиш комиссияси ўтказилади.


Бу қайдномада жабрланган ишчи ҳақида батафсил маълумот бериш билан бирга, иш шароити, фожеа сабаблари, бахтсизлик оқибати муфассал баён этилади. Бу текширув натижасига асосланиб корхона раҳбари бахтсизлик сабабларини бартараф этиш мақсадида буйруқ чиқаради ва жавобгар шахсларни тайинлайди.

6.3. Қурилишда меҳнат шароити ва бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш усуллари

Пўлат дархон маҳалласини жисмоний меҳнат жараёнида инсон меҳнат қуроли ёрдамида бирор-бир жисмга таъсир этиш йўли билан унинг шаклини ва моҳиятини ўзгартиришга эришади. Шу меҳнатнинг самараси меҳнат қуроли ва ишчининг моҳирлигидан ташқари яна иш жойининг ҳарорати ва

ёритилганлиги, озода ва саранжомлиги, ҳавонинг мусаффолиги ва шовқин-суроннинг йўқлиги ва шунга ўхшаш бир катор омилларга боғлиқки, буларнинг ҳаммаси биргаликда меҳнат шароитини ифодалайди.

Меҳнат шароити деб, инсоннинг меҳнат давомида соғлигига ва иш фаолиятига таъсир қила оладиган ишлаб чиқариш омиллари йиғиндисига



Пўлат дархон маҳалласини қурилишида меҳнат шароити омилларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришда содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини шартли равишда олтига гуруҳга бўлиш тавсия қилинади.

1.Ташкилий сабабларга хавфсизлик қоидаларини ўргатиш ва тушунтиришларни ўз вақтида ўтказилмаганлиги қурилишда ишни ташкил қилиш лойиҳаларининг ва техник назоратининг йўқлиги, иш жойининг қониқарсизлиги, жомакорларнинг ҳамда ҳимоя воситаларининг меҳнат талабига жавоб бера олмаслиги ва ҳоказолар киради.

2.Техникавий сабаблар талайгина сабаблар туркумига киради, яъни лойиҳада йўл қўйилган хатоликлар, иш тартибининг бузилиши ёки номукамаллиги, лойиҳадан четга чиқиши, асбоб ва ускуналарнинг ҳамда ёрдамчи мослама ва тўсиқларнинг йўқлиги ёки нобоплиги, уларнинг ўз вақтида таъмирланмаганлиги, тадбирий назоратнинг йўқлиги ва бошқалар мисол бўла олади.

3 ва 4 Саломатлик ва озодалик сабабларига, меҳнат шароитининг санитария ва эстетик талабларга жавоб бермаслиги, шовқин-суроннинг меъёрдан баландлиги, зарарли нурланиш хавфининг борлиги, иш жойини

саранжом-саришта эмаслиги ва хавфсизлик талабларига риоя қилинган ҳолда жиҳозланганлиги кабилар тааллуқли.

5.Ижтимоий сабабларга меҳнат интизомини ва ўзгалар руҳий мувозанатини бузганлик, мағрурлик ва манманлик туфайли жамоат ўртасида ўзаро оқибатнинг йўқолиши ва шунга ўхшашлар.

6.Руҳий-физиологик сабабларга эса, ишчи иродасининг кучсизлиги, жисмоний заифлиги, меҳнатнинг оғирлиги ва узлуксизлиги, ишчининг меҳнат жараёнидаги ҳолати ва ҳаракатининг ноқулайлиги ва бошқалар мисол бўла олади.

Қурилишда меҳнат муҳофазасини таҳлил қилиш мақсадида тўғри ташкил қилиш ва содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш мақсадида аналитик усул бахтсизликлар тўғрисидаги статистик маълумотларни математик ҳисоб йўли билан таҳлил қилишга асосланган бўлиб, 4 та коэффициентни аниқлашдан иборат. Булардан биринчиси такрорланиш коэффициенти бўлиб, жами бахтсизликлар сони “Б”ни шу давр ичида ишлаб турган ишчиларнинг умумий сони “И”га бўлиб, 1000 га кўпайтириш йўли билан аниқланади, яъни:

$$K_d = B/I \times 1000$$

Иккинчи бахтсиз ҳодисаларнинг мураккаблик коэффициенти деб юритилади ва қуйидаги нисбат билан аниқланади:

$$K_m = Y/B$$

Учинчи коэффициент бахтсизликларнинг умумий кўрсаткичлари дейилади ва олдинги икки коэффициентнинг кўпайтма-сидан иборат, яъни:

$$K_y = K_d \times K_m = Y/I \times 1000$$

Замонавий қурилиш саноати меҳнат хавфсизлиги хизмати олдига юксак масъулият юклайди. Қурилиш жараёнида содир бўлган номақбул, хавфли меҳнат шароитини бартараф қилиш учун албатта зукко раҳбарнинг ишбилармонлигидан ташқари, марказий бошқарув маъмурияти билан тезда алоқа боғлаш ва қисқа муддат ичида тадбирийдор чораларни кўриш имконияти мавжуд бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш корхоналарида шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиш ва уларнинг сабабларини бартараф қилиш мақсадида статистик ва топографик усуллар қўлланилади.

Монографик усул ишлаб чиқариш корхоналарида бахтсиз ҳодиса юз берган жойларни ҳар томонлама чуқур ўрганишдан иборат бўлиб, унда ишлаб чиқариш жараёнининг меҳнат услуби ва шароити ўрганилиб, ишлаб чиқаришнинг хавфли ҳолатларига ва иш жойларида саломатлик шароитларига эътибор бериледи.

Бу натижаларни тартибот жараёнини такомиллаштириш, хавфли омилларни йўқотиш, иш жойларида меҳнат шароити масалаларини ҳал қилганда фойдаланилади.

Бу эса қурилиш майдонларида иш бошланганда хавфсизлик чораларини амалга ошириш имкониятини беради.

Статистик усулишлаб чиқаришда бўлган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари бўйича тузилган актлар асосида ўрганилиб, бошқа ўхшаш объектларда шундай бахтсиз ҳодисаларнинг такрорланмаслигини таъминлашга қаратилган усулдир.

Бу ёрдамчи усул бўлиб, қурилиш майдонида ёки саноат корхоналарида содир бўладиган бахтсизликларнинг жойларини, сабабларини ва такрорланишини картага қараб тезда аниқлаб олишга ва қаерга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини билиб олиш имкониятини беради.

Интернет маълумотлари

«Обод турмуш» йилида обод бўлган манзиллар.

Истиқлол шарофати билан юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби, қадимий ва ҳамиша навқирон, Ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари деган тарифу тавсифларга сазовор бўлган Самарқандда ҳам жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бизга маълумки, халқимиз азалдан яратувчанлик ва бунёдкорлик соҳаларини қадрлаб келади. Буни тарих ҳам, ўтаётган ҳар бир кун ҳам яққол намоён этиб турибди. Буюк бобоколонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг “Қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ” дея баралла айтиб ўзининг бунёдкорлик ишлари ва қурдирган бинолари билан дунё аҳлини лол қолдиргани бугун сир эмас. Буюк бобомиз замонида юқори чуққига кўтарилган яратувчанлик анъаналари, бугунги кунда ҳам кенг кўламда давом этмоқда.

Буни биргина Самарқанд мисолида кўрайдиган бўлсак, бугунги кунда вилоят ҳудудидаги шаҳарлар, туман марказлари, кўрғонлар, ҳамда қишлоқларнинг кўрки янада чирой очмоқда. Вилоят ҳудудида барпо этилган, этилаётган ҳар бир бино ва иншоотлар, замонавий архитектура талаблари асосида қурилмоқда. Бу ишларнинг амалга оширишда шаҳар, туман марказлари, кўрғон ва қишлоқларнинг бош режаларининг ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан манашундай режалар асосида бу йил вилоят буйича қишлоқ аҳоли пунктларида намунали лойиҳалар асосида 1050 та турар-жой ҳамда улар атрофида маиший-хизмат, соғлиқни сақлаш бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек вилоятда мавжуд мактабларнинг 63 таси капитал реконструкция қилинди. 15 таси капитал таъмирланди. 4 та мусиқа ва санат мактаби бинолари ҳамда 7 та болалар спортини ривожлантиришга мўлжалланган спорт заллари ва майдончалари янгидан бунёд этилди. Бундан ташқари 17 та касб-хунар коллежи ва академик лицейлар қайта тамирланиб реконструкция қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз учун энг катта бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида вилоятда 3 та соғлиқни сақлаш биноси капитал реконструкция қилинди. 1 та қишлоқ вирачлик пункти янгидан қурилди.

Бу йил ландшафт архитектураси бўйича ҳам Самарқанд вилоятида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шу жумладан Ургут туманида эски буюм бозори ўрнида янги “Ургут маданият ва истироҳат боғи” бунёд этилган бўлса Пайариқ туманидаги “Пайариқ маданият ва истироҳат боғи” ҳамда Челак шаҳридаги “Челак маданият ва истироҳат боғи” қайта таъмирланди. Янгидан бунёд этилган ва қайта таъмирланган боғлар ҳудуди унга ёт элементлар ва объектлардан тозаланди. Боғларда очик ва ёпиқ яшил ҳудудлар, сайр хиёбонлари шакиллантирилди. Шунингдек янги гулзорлар, дарахтзорлар, рақс ва концерт майдонлари, сув ҳавзалари, болалар учун аттракционлар, миллий руҳда шакллантирилган кириш дарвозалари қурилиб, боғлар обод, шинам ҳамда кўркаш шаклда бунёд этилди.

Мамлакатимиз фаровонлигини акс эттирувчи асосий белгиларидан бири бўлган равон автомагистраллар, йўллар, серфайз кўчалар қурилиши ва ободонлаштирилишига бугунги кунда катта эътибор қаратилмоқда. Бундай эътибор натижасида Самарқанд туманида Хўжа Аҳрори Вали кўчаси (1-расм) ва Самарқанд шаҳридаги Даҳбет кўчалари қайта тамирланиб янги кўринишга эга бўлди. Кўчалар кенгайтирилиб икки ёнидан миллий руҳдаги бино ва иншоотлар, савдо марказлари ва меҳмонхоналар қад ростлади. Йўл четига манзарали дарахтлар ўтқазилиб гуллар экилди. Пиёдалар учун йўл четидан махсус йўлаклар бунёд этилди. Бир сўз билан айтганда бу кўчалар кўзни қувонтирадиган янги қиёфага кирди.

Бу йилда амалга оширилаётган буюк ишлардан яна бири бу — Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик йўлида фидо этган буюк шахслардан бири Хўжа Дониёр ёдгорлик мажмуасини қайта таъмирлаш бўлди. Самарқанд шаҳрида жойлашган бу ёдгорлик мажмуаси

ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган меъморий анъаналар ва Шарқ фалсафасининг беқиёс бинокорлик услубларида қайта таъмирланди (3-расм).

Дарҳақиқат бугун Самарқанд вилоятида олиб борилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини кўриб кўзимиз қувончга тўлади. Кундан-кунга чирой очаётган Самарқанднинг бугунги қиёфаси ҳар бир юртдошимиз қалбида фахир туйғусини уйғотади. Шу билан бирга зиммамизга катта масулият ҳам юклайди. Чунки бой маданий мерос объектларини ҳамда замонавий бино ва иншоотларимизни асраб-авайлашимиз, бус-бутинлигича келгуси авлодларга етказишимиз лозим. Шунинг учун сизу биз келажак авлодга, Юртбошимиз айтганларидек, озод ва обод мамлакат қолдириш учун меҳнат қилайлик.

Хулоса

Пўлат дархон маҳалласи Оқдарё туманига қарашли бўлиб маҳалла такомиллаштирилган замонавий лойиҳа асосида янги уй-жойлар қуриш ва маҳаллалар аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно мазмунини ташкил этади.

Пўлат дархон маҳалласи замонавий муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасига эга бўлган янги ва кўркем уй-жой массивларини барпо этиш мамлакатимиз қиёфасини ҳар томонлама обод қилишга қаратилган, истиқболга мўлжалланган муҳим вазифамиздир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги принципга асосланган ҳолда қабул қилинган Уй-жой ва Қишлоқсозлик кодекслари қонун ва меъёрий ҳужжатларда мулкдорларнинг уй-жой ҳамда у барпо этилган ер участкасига муддатсиз эгалик қилиш ва уни мерос қилиб олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Пўлат дархон маҳалласида уй-жой комплексларини қуришда муҳандислик коммуникация инфратузилмаси билан бир қаторда янги турдаги сервис ва электрон хизматлар кўрсатиш объектларини барпо этиш ҳамда ишга тушириш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ масалалар ечилган.

Пўлат дархон маҳалласи турар жой уйлари ва жамоат бинолари қуёш нури билан яхши таъминланган бўлиши керак ва юзанинг ўрта қисмларида уйлари ва бинолари узунлик ўқи бўйлаб шимолий жануб йўналишида жойлаштирилган, бу энг қулай жойлаштирилган уй ва бино ҳисобланади.

Пўлат дархон маҳалласи турар жой ҳудудини режалаштирганда тарихий маданиятини халқ хўжалигининг қайси соҳаси бўйича шуғулланиши ва жамоа марказининг қаерда жойлашишини инобатга олган ҳолларда режалаштирилди.

Пўлат дархон маҳалласи аҳоли турар жой лойиҳасини ишлашдан олдин келажакдаги қишлоқ аҳоли сони, демографик таркиби, сони, яшаш хоналар ҳажми, саноат корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳисоб қилинди.

Пўлат дархон маҳалласи аҳолиси яшайдиган ҳудудни режалаштирганда, маҳалла табиий ва иқтисодий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва корхоналарнинг мавжудлиги эътиборга олинган. Аҳоли яшайдиган ҳудуд автомобил алоқаси билан яхши таъминланган.

Пўлат дархон маҳалласи аҳолисини турар жой билан таъминлаш учун керакли бўлган уйларни танлаб қишлоқ ҳудудига жойлаштирилган. Турар жой уйларининг лойиҳа турларини, қабул қилинган лойиҳа “каталогидан” танлаб олинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқсозлик Кодекси. - Т.: 2006 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Тошкентдаги симпозиумлар саройида 17 апрель куни ташкил этилган “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” номли халқаро конференция. Т.: 2013 йил 16-17 апрель
4. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил
5. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил
6. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил
7. Х.А.Азимов. Қурилишда меҳнат хавфсизлиги. – Т.: “Фан”, 1997 йил
8. С.К.Абралов. Подземные дренажи в промышленном и городском строительстве. - М.: 1973 год
9. Ш.Гольдварт, Х.Х.Шомирзаев. Меҳнат муҳофазаси ва ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирлари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1984 йил
10. В.Л.Карагодин, М.В.Молоков. Отвод поверхностных вод с городских территорий. - М.: 1974 год
11. Г.И.Клиорина, В.А.Осин, М.С.Шумилов. Инженерная подготовка городских территорий. Учебник. “Высшая школа”. - М.: 1984 год, 270 с.
12. З.Ф.Илёсова. “Ҳаёт хавфсизлиги асослари”. - Т.: 2001 йил
13. О.Ю.Искандаров. “Хавфсизлик техникаси”.ТДПУ, 2002 йил
14. Л.В.Гуревия, В.Л.Шифрин. Инженерная подготовка территорий населенных мест. – М.: 1982 год